Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 70 (20. 337) • 1989 йил 24 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

26 март— СССР халқ депутатлари сайлови куни

ЭНГ МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Қайта қуриш даврининг биринчи сайлов кампанияси ниҳоясига етай деб қолди. Бу кампания ҳар биримиз учун катта ва ибратли демократия мактаби бўлиб қолди, одамлар жамиятнинг янгиланишига, Советлар ишида ленинча анъаналар қайта тикланишига, қайта қуриш ишларининг муваффақиятига бўлган орзу-умидларини шу билан боғламоқдалар. Ҳали якун чиқаришга вақт эрта, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу йилги сайлов ҳеч кимни лоқайд қолдирмади, сайловолди мунозараларига миллионлаб кишиларни жалб этди, сайловчининг ҳам гражданлик қиёфасини ўзгартириб юборди. Сайлов кампанияси дастлабки кунларданоқ шаклан эмас, балки моҳият-эътибори билан мамлакат ва республика ижтимоий-сиёсий турмушининг марказида турибди.

Сайлов тўғрисидаги янги Қонунга асос қилиб олинган демократик принциплар, одамларнинг сайловга нисбатан манфаатдорлик билан онгли муносабатда бўлаётганликлари кейинги йилларда биринчи марта амалда ҳар бир сайловчига бир қанча муносиб номзодлардан биттасини танлаб олишга имкон беради. Ўзбекистон ССРдаги сайлов округларида халқ депутатлигига 145 номзод рўйхатга олинган, округларнинг кўпчилигида икки, учтадан ва ундан ҳам кўпроқ даъвогар бор. 26 март куни сиз сайлов участкасига келиб, иккита — бири территориал округдан сайлов бўйича оқ рангдаги, иккинчиси эса Ўзбекистон ССР миллий-территориал округидан сайлов бўйича зангори рангдаги бюллетенни оласиз, Қорақалпоғистон АССРда сайловчиларга автоном республика миллий-территориал округидан сайлов бўйича яна пушти рангдаги бюллетень ҳам берилади. Ҳар бир сайловчи яширин овоз бериш учун жиҳозланган кабинада депутатни шахсан ўзи сайлайди, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди: ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириб, ҳар бир бюллетенда муносиб, деб ҳисоблайдиган фақат бир кишининг фамилиясини қолдиради. Бу талабга риоя қилмаслик бюллетенингизнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига ва сайлов натижаларини аниқлаш чоғида сизнинг овозингиз қўшилмай қолишига олиб келади. Агар бюллетенда депутатликка барча номзодларнинг фамилиялари ўчириб қўйилган бўлса, у ҳақиқий деб ҳисобланади, бунда сайловчи ҳар бир номзодга қарши овоз берганлиги назарда тутилади. Сайловчилар бюллетенларга қўшимча ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Қонунда участкадаги овозларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш чоғида оммавий ахборот воситалари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, сайловчиларнинг йиғилишлари вакилларининг, ишончли вакилларнинг ҳозир бўлиб туришлари мумкинлиги гарантияланган. Бунда сайлов участкасига ўз вакилларини юбориш нияти тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига барвақт маълум қилиб қўйиш зарур. Вакиллар ўз меҳнат коллективларининг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг органлари, ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги, сайловчиларнинг йиғилишлари ёки ташаббускор жамоат ташкилотининг органлари вакил қилганликлари тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатларга эга бўлишлари лозим. Бу қонда ошкоралиқни ва сайловнинг очиқ-ойдинлигини кўрсатувчи яна бир яққол далилдир.

Сиз 26 март куни халқ депутатлари учун овоз берасиз, қайта қуриш учун, турмушимизнинг демократик асосларини қарор топтириш учун, ҳокимиятнинг эртанги органларига умумхалқ ишончи учун овоз берган бўласиз.

ОБРАЗЕЦ НАМУНА

СССР халқ депутатини сайлаш бўйича

Сайлов бюллетени
Избирательный бюллетень

по выборам народного депутата СССР

1989 йил 26 март
26 марта 1989 г.

Самарқанд области
180-Қорадарё территориал сайлов округи

Карадарьинский
территориальный избирательный округ № 180
Самаркандской области

Сиз қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг фамилияларини ўчиринг.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете.

Депутатликка номзодлар:
Кандидаты в депутаты:

~~САБИРОВ Кудрат~~ — Ургут район «Правда» совхози бригада бошлиғи, Ўрамас қишлоғида яшайди.
Бригадир совхоза «Правда» Ургутского района, проживает в кишлаке Урамас.

ТАЛИПОВ Хайдар — Самарқанд район «Октябрь» колхози бригада бошлиғи, Қўрғонча қишлоғида яшайди.
Бригадир колхоза «Октябрь» Самаркандского района, проживает в кишлаке Курганча.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзод қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

ЮКСАК ИШОНЧ

Мамлакатимизда жамоат ташкилотларидан СССР халқ депутатларини сайлаш ниҳоясига етмоқда. Марказий матбуотда Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилотида ўтказилган сайловлар якунлари эълон қилинди. Сайловлар жараёнида Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ совети кенгайтирилган пленумининг 443 қатнашчиси ёки 76 проценти иштирок этди.

Ветеранлар ташкилотидан сайланган депутатлар орасида республикамизнинг муносиб вакиллари — Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика советининг раиси Расул Ғуломов ҳамда 2-«Бухараагропром строй» бирлашмаси бошқарувчисининг ўринбосари, область ветеранлар совети раиси Азим Раҳимовлар бор.

• *Халқ номзодлари*

АҲД ВА БАХТ

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Фекрет Сефершаевни ҳамқишлоқлари СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

— 121-Янгийўл миллий-территориал сайлов округи составига Тошкент областининг беш райони киради, — дейди машҳур пахтакор Ф. Сефершаев. — Чиноз қишлоғида уруш йиллари буён яшайман. Колхозда 40 йилга яқин меҳнат қилдим. Ишончли вакилларим ҳамроҳлигида округ сайловчилари билан учрашишни давом эттирмоқдаман.

Депутат область, республика, мамлакат миқёсида фикр юрита оладиган давлат арбоби, ҳар бир мақсадга эришиш учун оммани ўз кетидан эргаштириш хислатига эга бўлиши керак. Ана шу фазилатлар Ф. Сефершаевда мужассам. У бригада пудрати ташаббускорларидан. 1988 йилда коллектив давлатга 525 тонна пахта топширди. Бу колхоз правлениеси билан тузилган шартномадагидан 122 тонна кўпдир. Ҳосилдорлик гектаридан 40,2 центнерни ташкил этди.

Ф. Сефершаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Чиноз район партия комитети аъзолигига ҳам сайланган. Қишлоқ Советининг депутати. Сайловчилар унга катта ва кичик масалалар билан мурожаат қиладилар.

— Сайловчилар наказлари бўйича Чиноз — Олмазор водоводи қурилишини тезлаштиришга эришдим. Ҳозир у фойдаланишга топширилди, — дейди номзод. — Кичик қишлоқларда ҳам газлаштириш иши кенгаймоқда. Бунда менинг ҳам ҳиссам бор. Ҳамқишлоқларим 845 ўринли янги мактаб комплексини қурилиш планига киритганимдан миннатдор. Янгийўл район Калинин номли колхоз аъзолари илтимосига мувофиқ, энига ва бўйига кенгайиб кетган посёлкани икки қисмга бўлиб қўйган темир йўл орқали ўтиш йўлини лойиҳалаштириш ва қуриш масаласини ҳал этиш билан ҳам шуғулланмоқдаман.

Сайловолди учрашувларида номзод ўз сайловчиларига айрим номзодлар каби олтин тоғлар ваъда қилаётгани йўқ. Чунки ваъда устидан чиқолмай, кейин қизариб ўтиришнинг нима кераги бор. У асосан дала хўжайини, оддий деҳқон. Унинг учун энг долзарб муаммо — пахта монокультурасининг зарари, машаққат билан етиштирилган пахта нархи пастлиги. Ана шу социал адолатсизликка чек қўйиш, ҳамқишлоқлари моддий фаровонлигини кўтариш учун ҳаракат қилиш Ф. Сефершаев программасининг асосий мазмунини ташкил этади. Бригадир ўз дўстлари билан бирга бир неча гектар ерни ажратиб олиб, сабзавот ва картошка экди. Бу асосан хўжалик эҳтиёжларига ишлатилади. Боғ ва токзорларни кенгайтириш ҳам мўлжалланмоқда.

— Фекрет ака ҳар қандай мураккаб шароитни тақослаб, таҳлил қилиб, аниқ қарорга келади ва ўз сўзининг устидан чиқишга ҳаракат қилади, — дейди Чиноз район партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Э. Бердиев.

И. АҲМЕТОВ,
Р. Галиев фотоси.

ТАРАДДУД

✦ ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН

СССР халқ депутатлигига сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Сайловолди кампанияси республикамизда сайлов ҳақидаги Қонун асосида олиб борилди. Партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида ҳалқ депутатлигига номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ана шу учрашувларда сайловчилар номзодлар билан ошкора мулоқотда бўлишди, ўзаро фикр алмашишди. Газетхонлардан редакциямизга келаётган кўплаб хатларда демократия, ошкоралик вазиятида ўтган сайловолди йиғилишлари, сайловчилар активлиги ҳақида гап боради.

«Оҳангарон бинокорлик материаллари саноати техникуми зали. Бу ерга СССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи 601-Оҳангарон территориал сайлов округи сайловчиларининг вакиллари тўпланишди. Йиғилиш раиси номзодлардан бири «Оҳангарон» совхози сут соғувчиси Ҳурматой Ўроқовага сўз берди, — деб ҳикоя қилади журналист Нурали Абдурасулов ўз хатида.

— Қишлоқ аёлларининг турмуш шароити анча оғир, — деди минбарга кўтарилган Ҳ. Ўроқова. Депутат бўлсам, куч-ғайратимни аёлларимизнинг турмуш шароитини яхшилашга сарф этган бўлардим. Чунки мен қишлоқ аёлиман. Шу боисдан уларнинг дардини, орзу-истакларини яхши тушунаман. Болалар ўлими бизнинг регионда жуда юқори. Мактабгача муассасаларни кўпайтириш керак. Ўз республикамизда газ бўла туриб токайгача ўтин ёқиб тириқчилик қиламиз.

— Турар жойлар қурилишига эътиборни кучайтиришимиз керак, — деди СССР халқ депутатлигига номзод «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Александр Федоров. — Социал масалалар, айниқса қишлоқ жойларда кескинлигича турипти. Озиқ-овқат, чунончи гўшт таъминоти бизда Болтиқбўйи республикалари, Белоруссиядагига нисбатан жуда паст даражада. Шу муаммоларни ҳал этиш ва регионимизда экологик вазиятни яхшилаш учун баҳоли қудрат ҳисса қўшаман.

Йиғилиш иштирокчиларининг қарори билан сайловочиқ овоз бериш йўли билан ўтказиладиган бўлди. Сайлов натижасида овозга қўйилган уч номзоддан икки нафари — Ҳ. Ўроқова ва А. П. Федоров кўп овоз олдилар.

Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхоз 4-комсомол-ёшлар бригадаси етакчиси Т. Ҳотамов, андижонлик А. Қирғизов, Самарқанд район Ленин номли колхозидан Ю. Отаев, бухоролик Ж. Йўлдошев, Советобод районидан Н. Дўсанов, Яккабоғ районидан Ш. Маҳмудов, Деҳқонобод районидан Ҳ. Норқулов, Янгиқўрғон районидан А. Асроров ва бошқа ўртоқлар йўллаган хат-хабарлар сайловолди йиғилишлари ҳақида ёзилган.

Кўпгина хатларда сайловолди сиёсий-тушунтириш ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Коммунист Эркинжон Мўйдинов мудирлик қилаётган Фарғона область Охунбобоев районидаги СССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи 73/33-Оқтепа сайлов участкасида жойлашган агитпункт ҳамиша сайловчилар билан гавжум, — деб ёзади А. Ниёзов номли совхоз «Большевик» бўлими ишчиси Т. Тешабоев. — Бу ерда улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар, сайловга доир материаллар билан танишадилар.

Агитпункт атрофига уюшган агитаторлар меҳнаткашлар орасида бўлиб сайлов ҳақидаги СССР Қонуни, қайта қуришнинг бориши, овоз бериш тартиби ҳақида, КПССнинг ташқи сиёсати, халқаро аҳвол каби мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар, сайловчилар саволларига жавоб бермоқдалар. Бу борада агитаторлардан О. Абдураҳимова, Н. Ўлмасов, Т. Камолов, Т. Даврон, Т. Ғаниев каби ўртоқлар фаоллик кўрсатишаётир. Депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг программалари ҳақида ҳам сўзлаб бермоқдалар».

Шунингдек, газетхонлардан М. Қодиров, А. Ваҳобов, М. Абдуқодиров, П. Ҳамдамов Б. Назаров, А. Рўзиев, О. Бўронов ва бошқаларнинг мактубларида Уйчи, Хўжаобод, Балиқчи ва бошқа районларда ҳам сайловчилар орасида сиёсий тушунтириш ишлари яхши олиб борилганлиги, сайлов участкаларида сайловчилар овоз беришлари учун тегишли шароит яратилганлиги ҳақида хабар қилинади.

ЯНГИЛАНИШ, ОРЗУ-УМИДЛАР ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

«Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоқлар». Ана шу мисралар Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидаги катта байрам концертининг дебочаси бўлди.

Ҳали яқингача ҳам ушбу халқ байрами, гўё Наврўзда диний руҳ бор, деб ўзбошимчалик билан тақиқлаб қўйилган эди. «Соф мафкура»нинг тарафдорлари бу байрамни бадном этишга уринган эдилар. Наврўз бебошлик билан «бекор қилинганида» юрак-бағримиз ўртаниб кетди. Аммо одамларнинг хотирасидан, турмушидан кўнгил ардоқлаётган, халқ ҳаётининг бебаҳо мулки бўлиб қолган эзгуликларни ўчириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон аҳли Наврўзни рўёбга чиқариш тўғрисидаги қарорни зав-шавқ ва шодхуррамлик билан кутиб олди.

Табиатнинг янгиланиши, мўл ҳосил умидининг рамзи бўлган баҳор байрами нечанеча асрлик тарихга эгадир. Наврўз кезлари халқ удумига кўра урушлар тўхтатилган, гина-қудуратлар унутилган, одамлар тинчлик, тотувликка интилишган. Наврўз расм-русумларида одамларнинг ўй-ташвишлари, орзу-умидлари, қувончлари ўз ифодасини топган. Энди бу кўҳна байрамнинг янги жило ва жилвалари жамол кўрсатди, у янги мазмун билан бойиди.

Халқлар дўстлиги саройидаги концерт «Наврўз келди» тантанали қутлови билан очилди, бу қутловни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Абдуқундузов ўқиди. Залга масхарабозлар, дорбозлар, қизиқчилар киймида шоду хуррам кириб келган ёш артистлар ҳам баҳор байрами келганидан дарак бердилар. Кўклам шабадаси эсиб, табиат уйғонаётганида дарахтлар куртак чиқаради, ўтўланлар ниш уради, гуллар очилади, кўнгилларда ҳам баҳорий кайфият пайдо бўлади: ана ўшанда халқ сайлга чиқади. Сайл анъанавий баҳор рақси билан бошланди, даврага раққосалар келиб қўшилаверди. «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг артистлари ранго-ранг «Сайл» композициясида кўкламни кутиб олиш маросимини томошабинлар кўз ўнгида гавдалантирдилар.

Ҳеч бир тантана халқ қўшиқларисиз ўтмайди. Р. Малаков кўп асрлардан буён ардоқланаётган «Фиғон» ўзбек классик мақомини ижро этди. «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг солистлари, «Лазги» ансамблининг раққосалари байрам концертининг файзига файз қўшдилар. Самарқанд областидан келган фольклор ансамбллари, «Зарафшон» ашула ва рақс ансамбли ижро этган маросим қўшиқлари ва рақслари қўҳна байрам нафасини замонамиз руҳига пайванд этгандек бўлди.

Наврўз куни ёшу қари боғларда ва томорқаларда мева кўчатлари экишади. Эл-юрт ҳашар қилиб, янги боғлар, хиёбонлар бунёд этади. Эндигина атак-чечак қилаётган болалар бошидан баргак, ёнғоқ, жийда сочилади. «Наврўз», «Қора сочинг», «Ёрим вафодор» рақс композицияларида халқнинг ана шу урф-одатлари акс этди.

Эстрада усталари ҳам байрамга туҳфалар билан келишди. «Наво», «Эфсане» ансамбларининг куй ва қўшиқлари, ёш қўшиқчи Юлдуз Усмонованинг номерлари барчага маъқул тушди. Машҳур хонанда Шерали Жўраев янги ашулалар ижро этди. Санъаткор халқ орасида ардоқланаётган қўшиқларидан гулдаста ясаб, томошабинларга тақдим этганида зал аҳли уни қарсаклар билан қутлади.

Наврўз турли ёшдаги ва ҳар хил миллатга мансуб кишиларнинг яқинлашувига, ўзаро ҳамжиҳатлигига, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда. Бу барча бадиий коллективлар ижро этган якунловчи «Тантана» композициясида ҳам ўз аксини топди. Бу санъаткорлар орасида руслар ва ўзбеклар, корейслар ва қирм татарлари, тожиклар ва уйғурлар бор эди... Ўзбекистоннинг турли регионларида яшаётган элэлатларнинг либосларини кийган артистлар она еримиз ҳамиша гуллаб-яшнаб туришининг рамзи сифатида саҳна рўясига гуллар сочадилар.

Наврўз тикланди, Наврўз қайтиб келди. Наврўзни бежиз янги кун деб атамаганлар. У меҳнат ва баҳор, эзгулик ва орзу-умид, янгиланиш байрами сифатида одамларга жуда зарур. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Раҳимов бошчилигидаги концерт программасини саҳналаштирган ижодкор ходимлар Халқлар дўстлиги саройидаги томошани ҳақиқатан ҳам баҳор рамзига айлантирдилар ва томошабинлар кўз ўнгида хотирада узоқ сақланиб қоладиган ўзига хос халқ сайлини гавдалантирдилар.

Концертда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин ҳозир бўлдилар.

Концертда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Л. А. Оников ҳам ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

БЕШ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Ўзбекистон районидаги Фрунзе номли бўрдоқичилик корхонасининг чорвадорлари давлатга 180 тонна ўрнига 186 тонна гўшт сотиб, шу йилнинг беш ойлик планини ошириб бажаришди. Гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни пландаги 432 килограмм ўрнига 470 килограммданга тўғри келди. Корхона бўрдоқибоқарларидан А. Мирзаев, Ш. Худойқулов, Қ. Дўстбоев ва бошқалар қорамолларнинг суткалик семиришини нормадан орттирдилар. Корхона бўрдоқибоқарлари йил охиригача давлатга 580 тонна гўшт топширишга аҳд қилишган.

С. ХОЛМАТОВ.

ЁЗГИ ВАҚТГА ЎТИЛАДИ

СССРнинг Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси шуни маълум қиладики, 1989 йил 26 март якшанба куни Совет Иттифоқи территориясида ёзги вақт жорий этилади.

Ёзги вақтга 26 март соат 2 да соат милини 1 соат олдинга суриб қўйиш билан ўтилади.

СССР ҳукуматининг Латвия ССР, Литва ССР, Эстония ССР, РСФСРнинг Астрахань, Калининград, Куйбишев, Киров, Ульяновск областлари ва Қозоғистон ССРнинг Урал областида вақт ҳисобини ўзгартириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ушбу территорияларда соат мили суриб қўйилмайди.

(ТАСС).

Дунё овози

ХИТОЙ:

МАТБУОТ ТАЛАБИ

Хитой матбуоти барвақт, мавридсиз никоҳдан ўтишни батомам тақиқлаш, балоғатга етмаган кишиларнинг никоҳдан ўтишига ҳомийлик қилаётган ва ёрдам бераётган одамларни қаттиқ жазолашни талаб қилиб чиқди.

Маълумки, Хитойда бола туғилишини планлаштириш юзасидан давлат снёсати амалга оширилмоқда. ХХРда ҳозир 1 миллиард нафардан кўпроқ киши яшамоқда. Аҳоли кўпайиб бораяпти, шу боисдан ҳам оила қуриш, туғилиш муаммолари кўндаланг бўлмоқда.

Мамлакатнинг қишлоқ районларида ёшлар кўпинча барвақт оила қурмоқдалар, ушбу районларда никоҳ ҳақидаги қонунга риоя этилиши устидан аниқ-пухта ва қатъий назорат амалга оширилмаяпти. Кўп қишлоқларда деҳқонлар ўзларининг эски анъаналарига кўра яшамоқдалар. Кўпчилик кишиларнинг никоҳ масалаларига феодализм даврига хос нуқтаи назари сақланиб турибди.

Кўпгина келин ва куёвлар 15 ёшдадир, бундан ёшроқлари ҳам бор. Хитой матбуотининг фикрича, никоҳдан бемаврид ўтишнинг асосий сабаби келин ота-оналарининг қалин олишга интилаётганидир, бу ота-оналар қалин олиб, ўзларининг моддий аҳволини ўнгламоқчи бўладилар. (ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БЕЛГРАД. ЮСФР Президиумининг қарорига биноан қабул қилинган алоҳида тадбирларнинг амалга оширилиши Косоводаги снёсий вазиятни нормаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатди ва ҳамон кўрсатмоқда. Косово социалистик автоном ўлкаси президиумининг Приштинда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ана шу ҳақда гапирилди. Экономикадаги ва фаолиятнинг ижтимоий соҳасидаги аҳвол бундан бир неча кун илгари бўлганига қараганда яхшироқдир, дейилди мажлисда. Ишлаб чиқариш жараёни асосан нормал шароитда давом этмоқда. Бироқ шу билан бир қаторда, деб таъкидлади Президиум, снёсий вазият янада чигаллашаётганлиги кузатилмоқда. Аҳволни янада беқарорлаштириш мақсадида тарқатилаётган сохта хабарлар ишни чигаллаштирмоқда. Косово Президиуми бундай нотўғри хабар тарқатилишини қоралади.

НЬЮ-ЙОРК. «Бостон глоб» газетаси ўтказган тадқиқотнинг кўрсатишича, Қўшма Штатларнинг барча шаҳарларида квартира ҳақи жадал суръатда ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили Вашингтонда квартира ҳақи 7,2 процент, Бостонда 6,1 процент, Нью-Йоркда 5,4 процент, Чикагода 5,3 процент, Сан-Францискода 4,3 процент ошган.

ЛОНДОН. 63 яшар католик Дэвид Брэниф Шимолий Ирландиядаги жамоалараро тўқнашувларнинг навбатдаги қурбони бўлди. Пресс Ассошиэйшн агентлигининг хабар қилишича, икки номаълум шахс унинг Бельфастнинг шимолий районидаги уйига бостириб кириб, тўппончадан ўқ отиб ўлдирган. Полиция бу жиноят учун экстремист протестант ташкилотларга мансуб гуруҳлардан бири жавобгардир, деб ҳисобламоқда.

ВАШИНГТОН. Уртача ва камроқ олислик ракеталарига оид Совет—Америка шартномаси қоидаларига мувофиқ АҚШга келган совет инспекторлари Қўшма Штатлар Форт—Силлда (Оклахома штати) ва Мидл—Ривердa (Мэрилленд штати) «Мартин—Марнэтта» ҳарбий-саноат компаниясининг заводида «Першинг—2» ракета комплекслари операторларини тайёрлаш марказида ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартнома шартларига Қўшма Штатлар қай тариқа риоя этаётганликларини текширдилар. Америка томони шартнома шартларини бузаётганлиги аниқланмади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АҚШ

«Ер пленетаси — бу коинот кенглиқларида сузиб бораётган улкан кемадир, биз, одамлар эса ана шу кеманинг командасимиз. Денгизчилар қанчалик аҳил ва иноқ ишласалар, мураккаб, аммо қизиқарли сафар шунчалик муваффақиятли ўтади». Тинчлик, қуролсизланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳаракат активи Надин Блочнинг ана шу сўзлари Атлантика бўйлаб ўтадиган Совет—Америка денгиз сафарининг мазмуни ва мақсадини нуда яхши ифодалаб беради. Бундай сафарни ўтказиш тўғрисида Нью-Йоркда 20 март куни эълон қилинди.

БМТ

БМТ Бош секретари Хавер Перес де Кузльяр БМТнинг Ливандаги муваққат кучлари составидаги Ирландия ҳарбий хизматчиларидан уч киши ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таассуф билдирди. Улар тушган автомобиль оддий соқчилик вазифасини бажариш пайтида миндан портлаб кетди.

ПОЛЬША

Воевода халқ кенгашлари раисларининг Варшавада ўз ишини тамомлаган кенгашининг никичи кунида Польшада жамоат ташаббусларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда ПХР Давлат Кенгаши ва ҳукуматининг вакиллари иштирок этдилар. (ТАСС).

ВЕТЕРАННИ ҚУТЛАШДИ

И. С. Секретарев 18 ёшида Коммунистик партия сафига кирган эди. Шундан буён орадан 70 йил ўтди. У Совет Армияси ташкил этилаётган йилларда сиёсий иш билан шуғулланди, Улуғ Ватан урушида қатнашди, урушдан кейинги тинч қурилиш даврида бунёдкорлар сафида бўлди. Ватан унинг жангтоҳлардаги ва тинч қурилиш йилларидаги меҳнатига муносиб баҳо бериб, кўпгина орден ва медаллар, давлатнинг бошқа мукофотлари билан тақдирлади.

Иван Сергеевич кексайиб қолганига қарамай ҳозир ҳам жамоат ишида фаол иштирок этмоқда, у уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг ёшлар ўртасида ишлаш комиссияси раисининг ўринбосаридир. У мунтазам мактабларда бўлиб, ҳозирги йигит-қизлар учун ўтмиш бўлиб қолган Совет ҳокимиятини тиклаш ва мустаҳкамлаш йиллари тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилмоқда. ВЛКСМ аъзолари ўзларига партия ветерани комсомол билетини топширган кунини ҳамиша хотираларида сақлайдилар.

22 март куни Ўзбекистон уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашида КПСС сафига кирган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан ветеран И. С. Секретаревни қутлаш маросими бўлди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон ССР Олий Совети раиси, Ўзбекистон уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов иштирок этди.

Ижара шарофати

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Олмалиқ сут заводи ўзининг хушталъм маҳсулотлари билан машҳур. Бу ерда бўрсилдоқ ва нонлар ҳам тайёрланяпти. Корхона ижарага берилгач, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлди. Ҳамир сут заводи чиқиндиси ҳисобланган — зардобда қорилиб тайёрланмоқда. Шу туфайли нонлар хуштаъм бўлаётир, фойдали витаминлар билан бойимоқда.

Корхонада нон ёпиш усули Арманистон ССРнинг Ленинакан шаҳридан — зилзиладан кейин шу ерга келган эр-хотин Киарик ва Георгий Саномянлар томонидан ўзлаштирилди. Заводда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли творог, қаймоқ, қатиқ ва бошқа сут маҳсулотлари билан бирга нон ҳам етказиб берилмоқда. Янгилик корхонага катта иқтисодий фойда етказмоқда.

Суратда: етакчи мутахассис Георгий Саномян.

Г. ПУН фотоси (ЎзТАГ).

Газетамизда илгари хабар берилганидек, шу йилнинг февраля бошларида Ўзбекистон ССР партия-ҳукумат делегацияси Македония Социалистик Республикаси (ЮСФР)га ташриф буюрди. Партиялараро, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ундан кўзда тутилган муддао эди. Визит якунларига кўра, программалар қабул қилинди ҳамда ўзаро товарлар етказиб бериш юзасидан бир қатор шартномалар имзоланди.

● *Ўзбекистон—Македония:*

ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

● **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Македония Коммунистлар союзи Марказий Комитети ўртасида 1989—1990 йилларда ҳамкорлик программаси** сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва республикаларо ўзаро ҳамжиҳатликнинг бошқа турлари комплексини ривожлантиришни кўзда тутади. Программада илғор тажрибаларни ўрганиш бўйича делегацияларни, олдиндан келишиб олинган долзарб мавзулар бўйича лекторларни айирбошлаш бор. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети билан Македония Коммунистлар союзи Скопье шаҳар комитети ўртасида, йўналиши бўйича турдош бўлган меҳнат коллективлари ҳамда уларнинг партия комитетлари, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида фаол алоқалар ўрнатилади. Ўзаро келишувга мувофиқ «Правда Востока» ва «Коммунист» газеталари редакциялари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Оммавий ахборот воситалари материалларини айирбошлаш, мақолаларни биргаликда тайёрлаш ва нашр қилиш, телевидение ва радиоэшиттириш программаларини эфирга чиқариш мўлжалланади. Ўзаро олдиндан келишувга биноан Ўзбекистон ва Македония олимлари ва мутахассисларининг конгресслар, илмий конференциялар, «Давра суҳбатлари» ҳамда бошқа тадбирларда иштирок этиши зарурлиги келишиб олинди.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларини муҳокама қилиш ва 1991—1992 йилларда унинг тегишли программаларини имзолаш учун Македония Коммунистлар союзи президиумининг делегацияси 1990 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонга келади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Македония Коммунистлар союзи Марказий Комитети имзолаган программада конкрет шартлашув негизида қўшимча тарзда делегациялар ва группаларни айирбошлаш, ўзаро алоқаларнинг бошқа шаклларини амалга ошириш имкониятлари тўғрисида ҳам сўз юритилади.

● Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Македония Ижроия вечеси имзолаган **Ўзбекистон ССР билан Македония Социалистик Республикаси ўртасида 1989—1990 йилларда ҳамкорликни ривожлантириш программаси** иккала томонни қизиқтирувчи турли соҳалардаги ҳамкорликни такомиллаштиришни назарда тутади. Бунда 1988 йил мартида Белградда имзоланган Совет — Югославия Декларацияси принципларига суянилади.

Ўзбекистон ССР ва Македония Социалистик Республикаси ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликни такомиллаштириш, турли соҳаларда ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболларини муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети билан Македония Социалистик Республикаси мажлиси, республика Министрлар Совети билан ижроия вечеси ўртасида алоқалар амалга оширилади. Шунингдек, тегишли органлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, илмий-техника, маданият ва спорт муассасалари, меҳнат коллективлари ва корхоналар ўртасидаги алоқалар кенгайтирилади.

Иккала томон бир-бирларига машина ва ускуналар, турли материаллар, хом ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари етказиб бериш ҳамда турли хизматлар кўрсатиш юзасидан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашиш мажбуриятини олди. Программадан машиналар, ускуналар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштиришни ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликнинг олий шакли бўлмиш қўшма корхоналарни вужудга келтириш, учинчи мамлакатлар бозорларида биргаликда қатнашиш, янги технология жараёнларини, барча соҳаларда, шу жумладан, қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик ва мебель саноатида, пойабзал, чарм-галантерея, тикувчилик моллари, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа жабҳаларда биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этиш, айни пайтда Ўзбекистон ССР ва Македония Социалистик Республикасининг савдо ва кооператив ташкилотлари ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиш жой олган.

Программада илмий-техникавий ҳамкорликнинг шакллари баён этилган. Янги технология жараёнларини биргаликда ишлаб чиқиш устун даражада бўлади. Уларни жорий этишдан иккала республиканинг ташкилотлари манфаатдордир. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР ва Македония Социалистик Республикаси кооперациялаш ва иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари негизида уларни рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади. Шунингдек, сейсмология, соғлиқни сақлаш, қурилиш, транспорт, алоқа, тарих, тилшунослик соҳаларида ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи бошқа тармоқлардаги илмий-техникавий ҳамкорлик тараққий эттирилади.

Томонлар маданият, санъат, телевидение, кино, спорт, ноширлик иши ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни давом эттирадилар.

Иккала республиканинг ваколатли органлари ҳамкорликнинг турли соҳалардаги тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида, дейилади ҳужжатда, Тошкентда ва Скопьеда ўзаро келишувга мувофиқ амалий учрашувлар ўтказадилар. Зарурат туғилган пайтда ҳамкорликнинг айрим туб масалалари юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш бўйича қўшма ишчи группалари ташкил этилиши мумкин.

Программалардан келиб чиқувчи савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг конкрет йўналишлари, ҳажмлари ва муддатлари айрим савдо битимлари, товар айирбошлаш ва тўловлар тўғрисидаги протоколларда белгилаб берилади.

Қабул қилинган программалар амал этадиган муддат мобайнида Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси ва Македония Ижроия вечеси Раиси бошлиқ Ўзбекистон ССР ва Македония Социалистик Республикаси ўртасида делегациялар айирбошланади.

● **Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Македония Коммунистлар союзи Скопье шаҳар комитети ўртасида 1989—1990 йилларда ҳамкорлик программаси**, икки шаҳарни ривожлантиришнинг долзарб социал-иқтисодий масалалари бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ҳамда тажриба алмашишга йўналтирилган. Жумладан, корхоналар, районлар ва шаҳарлар даражасида шаҳар партия комитетларининг ташкилотчилик ва мафкуравий ишлар соҳасидаги фаолиятини ўрганиш, бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибасини бевосита айирбошлаш кўзда тутилмоқда. Шаҳарлар делегациялари икки шаҳарни ривожлантириш ва социалистик қурилишнинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро фикрлашадилар ва тажриба алмашадилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Македония Коммунистлар союзи Скопье шаҳар комитети қабул қилган ҳужжатда Тошкент билан Скопьедаги корхоналар ҳамда бошқа хўжалик ташкилотлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ва бевосита товар айирбошлашни кенгайтириш, шунингдек, конкретлаштириш кўзда тутилган.

Программанинг бўлимларидан бирида Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва давлат органлари билан Скопьедаги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ижтимоий-сиёсий ҳамдўстлик органлари ўртасида барча даражалардаги конкрет ҳамкорлик шакллари батафсил баён этилган. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети билан Скопье шаҳар мажлиси ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, Тошкентдаги депутатлар фаолиятини ҳамда Скопьедаги делегатлик системасини ўрганиш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам берилади. Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети билан Македония Социалистик Ёшлар союзи шаҳар конференцияси ўртасидаги алоқалар кенгайтирилади. Илмий, маданият ва спорт муассасалари ҳамда ташкилотлари ўртасида алоқалар кенгайтирилади. Шу жумладан, ахборотларни ва икки шаҳар турмуши ва фаолиятига оид бошқа материалларни айирбошлаш мақсадида «Тошкент оқшоми» билан «Вечер» газеталари редакциялари ўртасидаги ҳамкорлик давом эттирилади.

● *Партия турмуши: комсомолга раҳбарлик*

ЁШЛАРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРАДИМИ?

ҚАРШИ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КОМСОМОЛГА РАҲБАРЛИК ИШИ СУСТ, ЁШЛАР ТУРМУШИГА, МУАММОЛАРИГА ЭЪТИБОР КАМ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Қарши шаҳридаги филиалида кундузги ва сиртқи бўлимларни қўшиб ҳисоблаганда 2505 студент — ўндан ортиқ миллат вакиллари таҳсил кўради. Биргина 1987—1988 ўқув йилида бу билим даргоҳидан турли сабабларга кўра 300 дан знёд талаба ўқишдан ҳайдалди.

НОХУШ МАНЗАРАЛАР...

— Студентларнинг билим, маданият савияси паст, — дейди филиал директори ўринбосари вазифасини бажарувчи Жўра Ҳамроев. — Улар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилмаган. Клуб йўқ. Бадиий-ҳаваскорлик ансамбли тузилмаган. Мажлислар залида ташкил этилган видеобарда намойиш этилаётган фильмлар уларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга, дунёқарашини ўстиришга кўмак бермайди. Ремонтталаб ётоқхоналаримиздаги шароитларни ҳам яхши, дея олмаймиз. Студентлар ўртасида ошқозон касалликларига чалиниш кўп учрамоқда. Сабаби — Қарши ресторанлар ва ошхоналар трестига қарашли ошхоналарда тайёрланаётган таомлар сифати жуда паст. Колбаса, гўшт муталақо бўлмайди. Бўланда ҳам фақат ўрдак гўшти. Овқатларга кўкат, турли масаллиқлар солинмайди. Қатиқ, қаймоқ, сут, балиқ маҳсулотлари камданкам келтирилади. Лоақал картошкадан «бўғирсоқ»лар пишириш ҳам йўлга қўйилмаган...

380 нафардан знёд студент яшаётган 3 та ётоқхонадан иккитасини бориб кўрдик.

— Нега ерда ўтириб дарс қиляпсизлар? — сўраймиз стол-стуллар етишмаслиги сабабли полсиз, бетон ерга тўшак солиб дарс тайёрлаётган гидромелиорация факультети талабалари О. БойМуродова, З. Собирова, Т. Жуманиёзовалардан.

— Ўзимиз, шундай, ўрганиб қолганмиз.

— Электр чироғи хира ёняпти. Бунақа кам қувватлиси кўзга зарар-ку?

— Топа олганимиз шу. Бизга электр чироғи, стол лампаси, карниз, парда, мебель жиҳозлари беришмайди. Ҳар ким ўзи сотиб олади.

— Бошқа қандай етишмовчиликлар бор?

— Камчиликларни айтган билан фойдаси йўқ. Барибир ҳеч нарса ўзгармайди. Радио йўқ. Бутун ётоқхонага мўлжалланган яккаюлгона телевизор бузуқ. Уни қўйдиган жой ҳам тайёр эмас. Олти ойдан бери ётоқхонамизнинг айрим қаватларидаги санузеллар ишламайди. Ювиниш кранлари носоз, — дейишди талабалар.

— Қизлар тўғри гапиришяпти, — суҳбатга қўшилди комендант Т. Меркулова. — Бу камчиликларни биз ҳам раҳбарларга айтавериб чарчадик. Қулоқ соладиган кишининг ўзи йўқ.

Сўнгра комендант бизни девор шувоқлари кўчиб тушган коридор бўйлаб Ленин хонасига бошлади. Бу ерда ҳамма нарса тартибли. Керакли адабиётлар, ҳатто бир қанча матбуот нашрлари бор эди. Лекин хона нимаси биландир киши кириб турадиган жойга ўхшамасди. Шунда биз шиппаги иккала патрон ҳам электр чироғисиз осилиб турганлигини сезиб қолдик. Демак, хона хўжакўрсинга жиҳозлаб қўйилган. Дарсдан сўнг кечқурунлари бу ерга ҳеч ким кира олмайди.

— Ётоқхоналардан биридаги 62700 дан знёд китоб фондига, 3 мингга яқин китобхонга эга бўлган қутубхонанинг 25 ўринли ўқув залида биргина талаба мутолаа қилиб ўтирарди. Мудира Н. Келдиёрова бизга рисолладагидек тузилган иш планларини мамнуният билан кўрсатди. Бироқ айни дарс қилинадиган маҳал бу ерда негадир китобхонлар кўринмайди. Қироатхона бўм-бўш.

Ётоқхоналар билан бақамти жойлашган катта спорт комплекси, стадион, теннис майдончалари ҳам ҳувиллаб ётибди, уларда бирон-бир қизиқарли спорт мусобақаси, тадбирлар ўтказилмайди.

НОСОҒЛОМ МУҲИТ

Филиал комсомол ташкилоти мутлақо фаолият кўрсатмаётир. Шаҳар комсомол комитетининг тавсияси билан ишга келган комсомол секретари А. Янгибоев негадир бир-икки ой ишламай бўшаб кетди. Айтишларича, уни бир-икки марта милицияга чақириб, қандайдир «айби» учун қисувга олишибди. Бироқ бу билан ҳеч ким қизиқмади. Комсомол етакчисининг тақдирига мутлақо бефарқ қаралди.

— Кейинги пайтда бирор бир партия йиғилиши ёки бюро мажлисида комсомол-ёшлар, уларнинг муаммолари, талаб ва истаклари билан боғлиқ масалалар кўрилдими? Студентлар ўртасидаги ғоявий-тарбиявий ишларнинг аҳволи қандай? Бунда коммунистларнинг роли қандай бўляпти? — сўраймиз филиал бошланғич партия ташкилоти секретари Сафо Шахобовдан.

— Партком секретарлигига яқинда сайланганман. Бундай масалалар кўрилганидан хабарим йўқ. Ғоявий-тарбиявий ишларга келганда, очиғини айтишим керакки, партия ташкилотимиз олдида қийин ишлар турибди. Негаки, педагогик коллективимиз ўртасида «Сен менга тегма, мен сенга тегмай» қабилида ишлайдиганлар кўп. Профессор-ўқитувчилар составининг ўзида маънавий-руҳий муҳит соғлом эмас. Кўпдан бери гуруҳбозлик, тарафкашлик, ҳасадгўйлик иллатларидан қутила олмаяпмиз. Кишилар ўртасида ўзаро аҳиллик, меҳрқоғбат йўқ. Филиал директори Эрназар Маҳмудов яхши инсон, бироқ у раҳбарга хос принципиаллик, ташкилотчилик кўрсата билмади, носоғлом муҳитни тузата олмади. Шу боисдан ҳам у ўқув йили бошиданоқ институт аҳлига: «мен ўз хоҳишим билан ишдан кетаман», деб эълон қилиб қўйган. Бундан ташқари яна уч раҳбар — директорнинг икки ўринбосари, бир декан бу вазифаларни ҳозирча бажариб турибилар. Шунинг учун ҳам ўқув-тарбиявий ишларидан тортиб хўжалик ишларигача барчаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Студентларнинг муаммо ва ташвишлари, уларга зарур шароитлар яратиш билан ҳам ҳеч ким қизиқаётгани йўқ. Бизга принципиаллик билан иш олиб борадиган, уддабурон раҳбар керак.

Энг асосий муаммо — филиалимизни бекитиш ёки бекитмаслик масаласи эса ҳамон мавҳум бўлиб турибди. Ваҳолонки, бу ёқда давлатнинг катта маблағи сарфланиб, янги ўқув корпуси қурилмоқда. 129 кишидан иборат илмий-педагогик коллектив, муайян моддий база мавжуд. Қисқаси филиал область учун керак. Бу муаммоларнинг барчаси ҳақида биз шаҳар партия комитети раҳбарларига маълум қилганмиз. Умуман, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, қолаверса Қашқадарё область ва Қарши шаҳар партия комитетлари бу масалаларни пайсалга солмай, узил-кесил ҳал этиб беришлари даркор...

РАҲБАРЛИК ҲИСОБОТ ЭШИТИШДАН ИБОРАТМИ?

Қарши қишлоқ хўжалиги техникумида 816 нафар студент ўқийди. Улар асосан тўрт миллат вакиллари. Бу ерда иккита ётоқхона мавжуд. Техникум директори Қ. Шодмоновнинг айтишича, талабалар учун бу етарли, лекин ижарада турувчилар ҳам бор экан.

— Кейинги пайтда комсомол-ёшлар турмуши, студентларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга доир бирор масала партия йиғилиши ёки бюро мажлисида кўрилдими? — деб сўрадик бошланғич партия ташкилоти секретари Икром Исломовдан.

— 1987 йил май ойидаги партия йиғилишида техникум комсомол ташкилоти секретарининг ҳисоботини эшитганмиз, — деди у. — Яқиндагина бўлган директор ҳузуридаги йиғилишда ҳам студент ёшларни тарбиялаш, турли тадбирлар ўтказиш ҳақида гап бўлди.

Директор ҳузуридаги йиғилиш ўз йўлига. Аммо бошланғич партия ташкилоти бир-икки йилда бир марта комсомол етакчисининг ҳисоботини эшитиш билан комсомолга раҳбарлик соҳасида ўз вазифасини бажарилган, деб ҳисоблаган. Бирон-бир йиғилиш ёки бюро мажлисида студент-ёшларни халқлар дўстлиги ва интернационализм руҳида ҳамда ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масалалари кўрилмаган. Наҳотки, комсомолга партиявий раҳбарлик ҳисобот эшитишдангина иборат бўлса.

Техникум ётоқхоналаридан бирида бўлганимизда талабалар ҳали ўқишдан қайтишмаганди. Лекин иккинчи қаватдаги яхши безатиб қўйилган бир хонани кўрсатиб: «Бу ерда йигитлар яшашади, барча хоналар ана шундай шинам, саранжом-сариштa», деб ишонтиришмоқчи бўлишди. Лекин бошқа хоналарда бунинг айнан акси кўриниб турарди. Ётоқхонадаги ғалати тартибга кўра газхона, ювиниш хонаси доим қулфлоғлиқ турар, зарур бўлгандагина очишар экан. 205 нафар талаба яшайдиган ётоқхонада битта газхона — биргина газ плитаси турарди. Дераза ойналари синган, сув крани носоз.

Қарши кооператив техникумининг чоғроқ қина ётоқхонасида эса студентлар беш кишидан бўлиб, ёшилиб яшашмоқда. Кўпгина хоналарда дераза ойналари синган. Беш киши бир хонада қай тарқа дарс қилиши мумкин. Шунингдек, шаҳарда ёшлар оилалари билан яшайдиган ишчи ётоқхоналарида ҳам аҳвол бундан яхши эмас...

Умуман, шаҳардаги аксарият ётоқхоналарда ғоявий-тарбиявий иш, қулай шароит яратиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ерда истиқомат қилувчилар ўртасида интернационал тарбия бўйича суҳбатлар, дўстлик, мушоира кечалари, бошқа тадбирлар ўтказилмайди. Ётоқхоналар партия ва совет ташкилотларининг назорати, жиддий эътиборига муҳтож.

Қарши шаҳар партия комитети комсомолга раҳбарлик ишини, ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларни халқлар дўстлиги ва интернационализм руҳида, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масалаларини ўз пленум ва бюро мажлисларида онда-сонда комсомол етакчиларининг ҳисоботларини эшитиш билан ҳал қилишга одатланган. Шу боисдан бошланғич партия ташкилотлари ҳам комсомоллар, студент ва ишчи ёшлар турмушига, уларнинг муаммолари, талаб ва истакларига эътиборсиз қарашмоқда. Қашқадарё область партия комитети, унинг идеология бўлими Қарши шаҳрида комсомолга партиявий раҳбарлик ишида, ўқувчилар, студент ва ишчи-ёшларнинг ўқиши, меҳнати, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасида вужудга келган хотиржамлик кайфиятига барҳам бериши, ёшларга муносабат ўзгариши лозим.

О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Тошкентда Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Пленумда Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районидаги экология ва санитария муҳитини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофаза этишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида партия ва ҳукуматимизнинг ўтган йил сентябрь ойида қабул қилинган ноёб ҳужжати тарихда ҳали ҳеч ким ҳал этишга тўғри келмаган ҳаётий умуминсоний вазифаларни бажаришнинг конкрет программаси эканлиги таъкидланди. Орол денгизини сақлаш мумкин ва сақлаб қолиш керак. Оролбўйини эса экологик офат ҳолатидан олиб чиқиш зарур! Қарорда белгиланган комплекс тадбирлар ана шу мақсадларга қаратилган. Ана шу тадбирларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти ҳар бир аъзосининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси ҳисобланади, деб таъкидланди нутқларда.

Бинобарин, деб қайд этишди пленум қатнашчилари, жамият ташкилотлари партия ва ҳукумат белгилаб берган тадбирларни амалга оширишда самарали кўмаклашиш учун мавжуд имкониятлардан ҳали ҳам тўла фойдаланаётганлари йўқ. Орол денгизига дарё сувн шу қадар етишмай турган бир пайтда республикамизда ярим миллион гектарга яқин суғориладиган майдон намлиги ҳаддан знёд ошиб кетганлиги натижасида унинг мелиоратив ҳолатини тезлик билан яхшилаш талаб этилмоқда, сувни тежайдиган технологиялар иншоотда суст жорий этилмоқда, ичимлик сувн тежаб-тергаб сарфланмаяпти. Сув ресурсларини пестицидлар, далалардан ювиб чиқарилаётган минерал ўғитлар, саноат корхоналари, чорвачилик фермаларининг тозаланмаган оқинди сувлари билан ифлослантириш давом этмоқда. Тоғлардаги ўрмонлар, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида намликни табиий равишда тартибга солиб турадиган тўқайлар кесиб ташланмоқда.

Республика кенгашининг пленуми жамият уставига мувофиқ Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг VII съездини шу йил июнь ойида чақиришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

СССР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИДА ОПЕРАЦИЯЛАРГА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг 1988 йил 2 декабрдаги «Давлат, кооператив корхоналар ва бошқа жамоат корхоналари, бирлашмалар ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ва 1989 йил 7 мартдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солишнинг системаси белгиланган. Бу система таркибига ташқи иқтисодий алоқаларни оператив тартибга солиш тадбирлари киради, рухсатнома бу тадбирларнинг асосий қисмидир.

Экспорт ва импортга рухсатнома муайян вақтга: умумдавлат аҳамиятига молик товарлар рўйхатига киритилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) битимларига; экспорт ва импортни чеклаш доирасида амалга оширилаётган битимларга; виждонсизлик билан рақобат қилаётган ва ўз операцияларни билан давлат манфаатларига путур етказаётган ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларига нисбатан огоҳлантирувчи тадбир сифатида қўлланилади.

Операцияларга рухсатнома олиш тўғрисидаги талаб ташқи иқтисодий фаолиятни бевосита амалга ошираётган корхоналар, бирлашмалар, ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқа ташкилотлар (булар қаторига чет мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик қилаётган консорциумлар, акционерлик жамиятлари, савдо хонадонлари, уюшмалар ва бошқа уюшмалар ҳам киради), СССР территориясида тузилган қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча турлари, жумладан, бевосита ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий алоқалар, қирғоқ бўйидаги ва чегара бўйидаги савдо ва товар алмашинув операциялари учун бажарилиши лозим бўлган шартдир.

Рухсатномалар давлат реестрида қайд этилган ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларига берилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган товарлар бўйича битимларга рухсатларни СССР Министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Министрлар Совети тасдиқлайдиган ҳамда мазкур ташкилотларга бириктириб қўйилган тегишли маҳсулот (иш, хизмат) рўйхати номенклатурасига мувофиқ беради.

Аризачида рухсатнома берилишидан илгари тузилган контрактнинг борлиги рухсатнома учун асос бўлмайди.

Белгилаб қўйилган чеклаш (квот)лар доирасида амалга ошириладиган экспорт ва импорт битимлари учун рухсатномалар СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги томонидан алоҳида олинган ҳар бир битим учун маҳсулот етказиб бериш ҳажми ёки қийматига кўра берилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг операциялари учун рухсатнома алоҳида олинган ҳар бир битим учун ҳам СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги томонидан огоҳлантирувчи тадбир сифатида амалга оширилади.

СССР Министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни ариза чилардан сўраш ҳуқуқига эгадирлар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчилари тақдим этилаётган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардирлар.

Тегишли министрликлар, идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ариза тушганидан бошлаб узоғи билан 30 кундан кечиктирмай рухсатномалар бериш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Рухсатномалар берилгани учун ҳақ олинади. Рухсатнома берилмагани ва берилгани ҳақидаги қарор аризачига ёзма равишда жўнатилади, берилган рухсатномалар бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин эмас.

СССР Министрлар Совети тасдиқлайдиган умумдавлат аҳамиятига молик товарлар рўйхати ҳақидаги ахборотни, шунингдек экспорт ва импортни чеклаш тўғрисидаги чораларни жорий этиш ҳақидаги ахборотни СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги оператив тарзда марказий матбуотда эълон қилади. Мазкур ахборот, шунингдек операциялари тўхтатиб қўйилган ёки якка тартибда рухсатнома бериладиган ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг рўйхати давлат бошқаруви органларига юборилади.

СССР ташқи иқтисодий алоқалар операцияларига рухсатномалар масалалари хусусидаги норматив ҳужжатлар «Экономическая газета»да, «Внешняя торговля» журналида ҳамда СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлигининг чет эл коммерция ахбороти бюллетенида эълон қилинади.

СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлигининг марказий идорасида (Москва шаҳри) ахборот-маслаҳатлашув пункти ишлаб турибди (маълумот олиш учун қўйидаги телефонларга қўнғироқ қилиш мумкин: 244-15-33 ва 244-13-35).

СССР МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ XII СЪЕЗДИ

СССР матлубот кооперациясининг Кремлда бўлаётган XII съездида хилма-хил муаммолар муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг аграр масалаларга бағишланган 1989 йил март Пленуми новаторлик қарорларига суянган ана шу баҳс-мунозаралар энг асосий нарса — совет кишиси, аввало қишлоқ аҳлининг озиқ-овқат, товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга, ишончли социал гарантиялар яратишга қаратилди. Делегатлар натижаларни қайта қуриш тақдири учун юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда таҳлил қилдилар, ана шу кўп тармоқли система фаолиятининг истиқболларини белгиладилар. Шу анжуманда қатнашган кўпчилик делегатларнинг фикрича, бу съезд мазкур системани ривожлантириш учун бурилиш нуқтаси бўлиши керак.

22 март куни Катта Кремль саройида съезднинг якунловчи мажлиси бўлди. Мунозаралар давом эттирилди. Эрталабки мажлисда уч делегат — Тожикистон матлубот союзи правлениесининг раиси **Я. Н. Мирзоев** ва Очамчире районининг Тамиш қишлоғидаги Абхазия матлубот союзига қарашли универмаг секциясининг мудири **С. Л. Зантария** сўзга чиқдилар. Улар қишлоқ бозорида товар ва хизматлар мўл-кўл бўлиши учун ички резервларни фаолроқ қидириб топиш, матлубот кооперацияси фаолиятида маҳаллий хусусиятларни тўлароқ ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Товарларнинг тури етарли бўлмаётгани, уларнинг сифати пастлигига эътиборни қаратдилар. Бозори касод маҳсулотлар нархини туширганлик учун харажатларни нега энди савдо ташкилотлари қўтариши керак, деган мулоҳаза айтилди. Нотиқларнинг фикрича, бу адолатдан эмас.

Съезд делегатлари ўз нутқларида Савдо министрлиги шанига танқидий мулоҳазалар айтишди. Тармоқ министри К. З. Терех танқидни тан олди ва ҳар бир мулоҳаза хусусида тегишли тадбирлар қабул қилинади, деб ишонтирди. Мамлакат мураккаб даврни бошидан кечирмоқда, деб сўзини давом эттирди у. Кейинги йилларда савдода товар обороти кескин камайди. Товарларнинг етишмаслиги бир неча ўн миллиард сўмни ташкил этади. Пул жуда кўп бўлсада, товарлар ва хизматнинг камлиги — бундай аҳвол рўй беришининг сабабидир. Яқин орада бозорда озиқ-овқат товарлари ҳам, ноозиқ-овқат товарлари ҳам мўл бўлиши учун ҳозир катта тадбирлар кўрилмоқда. Ноозиқ-овқат товарларига талабни қондириш учун бир қанча корхоналар харидоргир товарлар ишлаб чиқаришга ўтказилди, янги корхоналар қурилмоқда. Айни вақтда чет эллардан мол сотиб олинмоқда. Аммо шуни назарда тутиш керакки, деб таъкидлади нотиқ, мамлакатдаги мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бу матлубот кооперацияси корхоналарига ҳам тааллуқлидир.

Правление ва ревизия комиссияси докладлари юзасидан, шунингдек матлубот ташкилотларининг Намунали уставлари ҳамда Центросоюз Устави лойиҳалари юзасидан мунозаралар якунланди.

П. С. Федирко якунловчи нутқ сўзлади.

Центросоюз правлениеси ва ревизия комиссияси иши тўғрисидаги ҳисоботлари юзасидан съезд қарорлари қабул қилинади.

Шундан кейин Центросоюз правлениеси Раисининг ўринбосари **Н. А. Лупей** съездга тақдим этилган уставларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш юзасидан тузилган комиссия номидан доклад қилди.

Съезд комиссия таклифларини ва музокараларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда кооператив ташкилотлари ва Центросоюзнинг янги уставларини қабул қилди.

21 март куни съездда бўлиб ўтган матлубот кооперациясидан СССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисида сайлов комиссияси номидан сўз **А. Д. Коробкинга** берилади. У барча қирқ номзод СССР халқ депутати этиб сайланганини маълум қилди.

Съезд «СССР матлубот кооперациясидан сайланган халқ депутатларига наказлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Делегатлар съезд номига юборилган хатлар тўғрисида қарор қабул қилдилар. Центросоюз правлениесига ушбу хатларни кўриб чиқиш ва уларда баён этилган илтимослар, таклифлар ҳамда мулоҳазаларни амалга ошириш учун зарур чоралар кўриш топширилди.

Совет, правление ва ревизия комиссияси сайланди. **П. С. Федирко** Центросоюз правлениесининг раиси, **А. И. Сериков** ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Шу билан съезд ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Мусобақа: сифат, суръат, самарадорлик

Бежирим буюмлар

Жарқўрғон райони хўжалик ҳисобидаги қурилиш ва ремонт хизмати кўрсатиш участкаси коллективи эл назарига тушган. Улар тайёрлаётган сандиқ, каравот, хонтахта каби мебеллар сифати кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Рашид Гилфанов, Исакелди Еқубов, Баҳодир Нормуродов, Ҳасан Шойимов ва Назар Иброҳимов сингари меҳнатсевар лар топшириқларни ошириб бажариб, бежирим буюмлар ишлаб чиқарилишига катта ҳисса қўшяптилар.

М. РАҲМОНОВ.

Барвақт ишга туширилди

Хазорасп ип йигирув фабрикасида серунум агрегатлар қисқа муддатда ўрнатилди. Бунда Хива гилам комбинатининг В. Ким бошлиқ монтажчилар бригадаси аъзолари Одилбек Саидов, Равшан Сафаров, Давлат Худойберганов кабилар ғайрат кўрсатдилар.

Илгари Хива гиламдўзлари хом ашёни Москва, Ленинобод шаҳарларидаги корхоналардан олиб келишарди, йўл харажатларига минглаб сўм маблағ сарфланарди. Хазорасп ип йигирув фабрикаси ишга туширилгач, комбинатни хом ашё билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилди.

И. ЭШЖОНОВ.

Харидоргир газлама

Тилла сим қўшиб тўқилган оппоқ куйлаклик газламаларнинг дастлабки беш юз метри харидорларга сотилди. Уни Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг рационализатори Собиржон Дадахоновнинг таклифи билан бирлашма илмий-техника бўлимининг етакчи мутахассислари яратишди.

Бирлашма илмий-техника бўлими бошлиғи, техника фанлари кандидати Раҳимжон Каримов таклифи билан яратилган янги газлама эса «Мебелбоп» деб аталади. У 40 процент сунъий тола ва 60 процент йигирув чиқити қўшиб тўқилган. 3-тўқув цехининг 6-участкасида янги газламадан 500 метр тўқилиб, шартнома нархи билан буюртмачиларга сотилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

• *Кун тартибида—республикалар экономикаси*

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин республикаларда сиёсий активликнинг кескин кучайиши, республикаларда ўз ўзини бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган куч-ғайратлар ана шу ниҳоятда мураккаб масалага ягона ёндашувни ишлаб чиқиш юзасидан республикалар ва марказнинг куч-ғайратларини бирлаштириш учун замин яратди.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот маркази совет ва чет эл журналистлари учун 22 март куни ўтказган матбуот конференциясида яқинда матбуотда эълон қилинган «Иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари» лойиҳаси муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг Раиси Ю. Д. Маслюков, СССР Давлат план комитети Раисининг биринчи ўринбосари С. А. Ситарян ва СССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг халқ хўжалигини ва капитал қурилишни территориал ривожлантириш бўлимининг мудири А. И. Смирнов журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб эҳтимол, биринчи марта ана шундай ҳужжат шу қадар демократик йўл билан тайёрланганлигини айтдилар. Лойиҳани тайёрлашга ҳамма манфаатдор томонлар — иттифоқдош республикалар, марказнинг вакиллари, олимлар жалб этилди.

Хўжалик бошқарувининг асосий бўғинлари бўлган давлат корхоналари ва кооператив ташкилотлар жуда катта ҳуқуқ ва хўжалик мустақиллигига эга бўлдиларки, республикалар ҳозирча бундай ҳуқуқ ва мустақилликка эга эмас. Республикаларнинг хўжалик мустақиллигини ошириш ниҳоятда мантиқий иш бўлади. Бунинг учун регионлар ва республикаларни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий дастурини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бу юмушларнинг барчаси сиёсий система ислоҳоти билан бевосита алоқада давом эттирилмоқда ва совет жамияти бошидан кечираётган инқилобий янгиланишнинг бир қисмидир.

Матбуот конференцияси қатнашчилари берган айрим саволлар ниҳоятда қизиқарлидир, бу саволлар лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси чоғида ҳам бир неча бор кўтарилиши аниқ.

— Республикаларга ҳозиргидан кўра кўпроқ иқтисодий ҳуқуқларнинг берилиши айрим регионларнинг иқтисодий ўсишида нотекисликни келтириб чиқаради, деб хавотир олаётганимиз йўқ, — деди лойиҳани тайёрлаган комиссия Раиси Ю. Д. Маслюков. — Иттифоқдош республикалар ва марказнинг бюджетларини вужудга келтириш принциплари белгилаб олинаётганида марказ ишлаб чиқадиган ва муайян мақсадни кўзлаб бериладиган дотациялар, тармоқ программалари орқали ана шундай нотекисликни ростлаб олиш кўзда тутилмоқда, бунинг учун эса давлат бюджетида махсус фондлар тузилади.

— Ҳужжат тайёрланаётганида айрим республикаларда ўз валютасини жорий этиш тўғрисидаги таклиф ҳам кўриб чиқилди, деб таъкидлади С. А. Ситарян. — Ҳар томонлама муҳокамадан кейин комиссия аъзолари бу фикрни қабул қилмадилар. Республикалар ҳуқуқининг кенгайиши ва бошқарувнинг демократиялашуви экономикамиз ривожида автаркия (алоҳида регионда биқиқ хўжаликни яратиш)нинг кучайишига олиб келмаслиги керак.

Аксинча, интеграция жараёнларининг кучайиши шароитида биз бутун мамлакат территориясида эркин савдонинг қарор топишига эришишимиз керак, бундай савдо товарларнинг эркин ҳаракатини рағбатлантириши лозим. Ҳар бир иттифоқдош республикада шу республиканинг алоҳида валютаси бўлиши интеграцияга, меҳнат тақсимотига, рисоладагидек иқтисодий муносабатларнинг йўлга қўйилишига ёрдам бермайди, балки ана шу жараёнларга халал бера бошлайди, холос. Комиссиянинг фикрича, сўмнинг бошқа мамлакатларнинг пулларига алмашиш имконияти тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун биқиқ валюталар бунёд этиш йўлидан эмас, балки товар-пул муносабатларини янада ривожлантириш, ягона умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш йўлидан бориш керак.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг асосий масалаларидан бири иттифоқдош республикалар бюжетларини тузиш системасидир. Комиссия назардан ўтказилган бир нечта вариантдан айрим масалаларда муросага келиб, битта вариантга тўхталди. Республика бюджетидан марказий бюджетга муайян ҳақ тўлаш тўғрисида тақдим этилган система, гарчи у зоҳиран содда ва ишончли кўринса-да, мазкур системада бир қанча методологик ва иқтисодий заифликлар бор. Масалан, ушбу схема мамлакат территориясида корхоналар билан ўзаро молиявий муносабатларда ҳар хил ноқулайликлар келтириб чиқариш хавфини пайдо этади, бу ҳолда ҳар бир территория корхоналарга ўзининг солиқ бобидаги ва молия бобидаги талабларини кўндаланг қилиб қўяверади. Бу корхоналарнинг ҳуқуқини чеклаб қўйган ва министрликлар ҳукми ўрнига территорияларнинг ҳукми юзага келган бўлур эди.

Маҳаллий Советлар ҳуқуқларининг кенгайишига оид саволларга ҳам жавоблар берилди, бу ҳуқуқлар республикалар қонунларида мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Матбуот конференциясининг қатнашчилари лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси чоғида унга анчагина янги қизиқарли қўшимчалар киритилади, деб ишонч билдирдилар.

Москва. (ТАСС).

ТИҒИЗ ПАЛЛА

Самарқанд область Оқдарё районидаги Лойиш пахта қабул пункти мавсумда район хўжаликларига 684 тонна чигитни дорилаб бериши лозим. Бу иш айни вақтда зудлик билан амалга оширилаётир. Кунига 20—25 тонна чигит махсус препаратлар билан дорланиб, хўжаликларга бетўхтов жўнатилиб турилибди. Дастлабки уруғлик райондаги «Коммунист» колхозига юборилди. Хўжалик мутахассислари чигит уруғини экишга тахт қилиб қўймоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Чигит дориловчилар Зафар Жўраев, Шокир Бойузоқов, Сант Ҳамроев, Боли Норқуловлар. Комсомол-ёшлар коллективига уюшган бу ёшлар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани сифатли бажаришга барча кучини сафарбар этишган. 2. Пункт лаборантлари Абдумурод Абдужабборов ва Бурҳон Одиловлар чигитларнинг сифатини кўздан кечиришяпти. 3. «Коммунист» колхозига жўнатилаётган чигит.

Ғ. АЛИЕВ фотолари.

• *Болалар соғлиғини муҳофаза қилиш— «Совет Ўзбекистони» ва республика телевидениеси назоратида*

БУ БОҚИБЕҒАМЛИК-КУ!

Кишилик жамиятида фарзанддан азизроқ, унга ғамхўрлик қилишдан зарурроқ иш йўқ. Зеро, болаларимиз қанчалар соғлом, ақлли, ўқимишли бўлиб ўсса, келажак шунчалар порлоқдир. Афсуски, дориламон замонда фарзандларимизнинг турли касалликларга чалинаётгани, болалар ўлимининг юқорилиги, уларни тарбиялаш масканларидаги камчилик ва етишмовчиликлар дилни ранжитади.

Ҳозир Фарғона областида ҳар йили 77 мингдан ортиқ бола туғилади. Кўриниб турибдики, область партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор беришлари шарт. Бир қатор хўжаликлар ва корхоналарга қарашли мактабгача тарбия болалар муассасаларида жаҳжиллар тарбиячи ва энагаларнинг ғамхўрлиги остида камол топяптилар. Рейд аъзолари Қувасой шаҳридаги цемент комбинатига қарашли 370 ўринли «Чебурашка» боғчасидаги ишлардан мамнун бўлдилар. Бу ерда болаларга тўйимли ва сервитамин таомлар тортилади. Уларнинг ўйнаб-кулишлари, турли машғулотлар билан шуғулланишлари учун барча шароит муҳайё. Бағдод район «Пахтакор» колхозидаги тўққизта типовой боғчада 1400 дан ошиқ бола тарбияланади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти болаларнинг соғлом ўсишлари учун астойдил ғамхўрлик қилишяпти. Областда бундай намунали боғчалар кўп.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам аҳвол бирдай эмас. Рейд давомида боқибеғам раҳбарларнинг назоратсизлиги туфайли таълим-тарбия, таъминот ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган масканлар ҳам учради. Марғилон шаҳрида ҳозир ўн мингдан ортиқ бола боғча-яслиларга жалб этилмаган. Узоқ йиллар давомида бу шаҳарда мактабгача тарбия болалар муассасалари деярли қурилмаган. Шаҳарда Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва Маҳаллий саноат министрлигига қарашли йирик корхоналар мавжуд. Аммо бу министрликлар ҳам ўз ишчиларининг фарзандлари тарбияси хусусида жиддий қайғураётганлари йўқ.

Шаҳар мактаблари ошхоналарида ҳам аҳвол талаб даражасида эмас. Уларда тўйимли ва лаззатли овқатлар тайёрлаш учун зарур асбоб-ускуналар етишмайди. Комсомол посёлкасидаги 12-боғча биноси 1987 йил октябридаги қалин қордан сўнг авария ҳолатига келганча ётибди. Ҳозир боғча Марғилондаги Тошкент тўқимачилик институти филиалининг собиқ биноси учинчи қаватида ишлаб турибди. Бу ерда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмайди. Болалар орасида юқумли касалликлар тарқалиб кетиш хавфи бор. Таълим-тарбия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тарбиячи З. Эминова иш плани юритмагани сабабли группаси билан қандай шуғулланишни ҳам билмайди. Шаҳар саноат моллари савдоси идораси канцелария товарлари етказиб беришни пайсалга солиши оқибатида қоғоз-қаламлар етишмайди.

Бағдод районидаги «Победа» колхозида охирги марта бундан ўн йил муқаддам боғча биноси қурилган экан. Шу ерга қарашли «Дилшод» боғчасига кирган киши бу ердаги тартибсизликдан ҳангу манг бўлади. Боғча ҳовлиси ифлос, дам оладиган, чўян печкалар эса кенг хоналарни исита олмайди. Дераза ойналари синиқ. Бехиётёр бу бинодаги ҳолатни колхознинг икки қаватли данғиллама биноси билан солиштирдик. Раҳбарлар ўзлари учун қулай шароит яратиб олишибди-ю, фарзандларига келганда қўллари калталик қилиб қолибди.

Областда мактабгача тарбия муассасалари қуриш, болаларни ясли-боғчаларга жалб этишнинг аҳволи яхши деб бўлмайди. Мавжуд боғча-яслиларда тарбиялана-ётган болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, ўтган йили область мактабгача тарбия болалар муассасалари 1028,5 тонна ўрнига атиги 795,4 тонна гўшт олдилар холос. Шу йилнинг январь ойида Бағдод райони боғчаларига 975 килограмм гўшт, сакқиз минг 236 килограмм сут кам берилган. «Победа» колхозининг «Дилшод» боғчасида болаларга ҳар куни нормадаги беш юз грамм ўрнига атиги етмиш грамм сут берилар экан. Қувадаги 1-ўрта мактаб ошхонасида ҳар бир боланинг тушлик овқати рационида атиги тўққиз-ўн грамм гўшт бор. Умуман, боғча-яслилар, мактаб ошхоналарида таомларнинг калорияси белгиланган даражадан паст.

Хўш, ўсиб, ривожланиб келаётган организм талабига мос овқатлар тайёрлаб беришга нима тўсқинлик қиляпти? Колхоз-совхозларда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз боғчаларига етказиб бериш йўлида жиддий тўғаноқ бор. Болаларга берилган маҳсулотлар хўжаликнинг давлатга маҳсулот сотиш планларига киритилмайди. Нафақат Фарғона области, балки бутун республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлганлиги учун бир фактни келтиришни лозим топдик. СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ **колхозлар ва совхозлар ўзларига қарашли мактабгача тарбия муассасаларига етказиб берган гўшт, сут маҳсулотларини давлатга сотиш планларига қўшишга ҳақлидирлар. Ҳозирги пайтда Болтиқбўйи республикалари, Украина ва бошқа ерларда шундай қилишмоқда. Аммо кимларнингдир хоҳиш-иродаси билан, бизнинг болажон республикамизда бу қарорга амал қилиш тўхатилган. Мутасадди идоралар ўша қарорни қайта кўриб чиқсалар айни муддао бўлади.**

Областда юзага келган мураккаб экологик вазият, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги етишмовчиликлар, мактабгача тарбия муассасаларида санитария-гигиена талабларига риоя қилинмаётганлиги натижасида касалланиш кўп. Мактаб ёшигача бўлган болалар орасида сариқ касаллиги билан оғриш йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Болаларни диспансеризациядан ўтказиш юзаки ташкил этилган, педиатр врачлар етишмайди. Боғчаяслилар медицина асбоб-ускуналари билан ёмон таъминланган. Айримларида ҳатто энг оддий дори-дармонлар ҳам етишмайди. Областдаги 1216 та мактабгача тарбия болалар муассасаларидан атиги 397 тасида сув ҳовузлари бор, холос. Тўғри, кейинги йилларда областда бу соҳада амалга оширилган тадбирлар ижобий самаралар беряпти. Ўтган йилнинг ўзида Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхози, Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозида янги шифохоналар ишга туширилди. Кўплаб фельдшер-акушерлик пунктлари иш бошлади. Фарғона, Бувайда районларида ва Фарғона шаҳрида беморларни парваришқилишда якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан фойдаланиш тажрибаси қўлланилянти. Областдаги барча марказий район шифохоналарида чақалоқлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўлимлари ташкил этилди. Область партия комитети «Саломатлик» комплекс программасини амалга ошириш борасида катта ташкилий ишларни олиб бораётганлигини таъкидлаш керак.

Бироқ қишлоқ районларида бу соҳада ҳали бажарилмаган ишлар кўп. 350 ўринли область болалар шифохонасини ишга тушириш масаласи ҳамон ҳал этилмаяпти. Фарғона, Охунбобоев, Бағдод, Ўзбекистон районларидаги болалар поликлиникалари бинолари қурилиши ташкил этилган, педиатр врачлар етишмайди. Боғчаяслилар медицина асбоб-ускуналари билан ёмон таъминланган. Айримларида ҳатто энг оддий дори-дармонлар ҳам етишмайди. Областдаги 1216 та мактабгача тарбия болалар муассасаларидан атиги 397 тасида сув ҳовузлари бор, холос. Тўғри, кейинги йилларда областда бу соҳада амалга оширилган тадбирлар ижобий самаралар беряпти. Ўтган йилнинг ўзида Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхози, Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозида янги шифохоналар ишга туширилди. Кўплаб фельдшер-акушерлик пунктлари иш бошлади. Фарғона, Бувайда районларида ва Фарғона шаҳрида беморларни парваришқилишда якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан фойдаланиш тажрибаси қўлланилянти. Областдаги барча марказий район шифохоналарида чақалоқлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўлимлари ташкил этилди. Область партия комитети «Саломатлик» комплекс программасини амалга ошириш борасида катта ташкилий ишларни олиб бораётганлигини таъкидлаш керак.

Бироқ қишлоқ районларида ҳам чўзилиб келяпти. Маълумки, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Фарғона филиали тугатилгандан сўнг унинг биносини болалар шифохонасига бериш ҳақида қарор қилинган эди. Бироқ бинони шифохонага мослаштириш учун маблағ топиш мушкул бўляпти.

Районларда болалар учун сутли овқатлар тайёрловчи ошхоналарнинг деярли йўқлигини назарда тутиб, Фарғона ва Қўқон гўшт-сут заводларида махсус болалар таомлари цехлари ташкил этиш планлаштирилган эди. Агар шу цехлар ишга тушса, кўп болали оилаларга махсус таомлар етказиб бериш имконияти туғиларди. Афсуски, мазкур шаҳарлар ижроия комитетлари ва корхоналар раҳбарлари бу ўта зарур ишга бош қўшишни исташмади. Область шифокорлари уч ёшгача бўлган болаларга рус, ўзбек ва тожик тилларида медицина паспорти жорий этишни ташкил қилгандилар. Бироқ қоғоз етишмаслиги туфайли бу иш ҳам амалга ошмаяпти.

Марғилон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг болалар бўлими замонавий медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган.

— Шунга қарамай, — дейди шифохона бош врачи Т. Нишонов, — планлаштириш идораларидаги ўртоқларнинг масъулиятсизлигидан бемор болаларни тезда оёққа турғазиб юборишга қийналяпмиз. Ҳар йили «Узмедтехника» ишлаб чиқариш бошқармасига расмий мурожаат қилишимизга қарамай зарур миқдордаги каравотлар ололмаяпмиз. Натижада муолажа қийинлашяпти.

Ўрта Осиёда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи мамлакатимиздаги барча кишилар диққат марказида. Қардош республикалардан махсус врачлар бригадалари келиб ҳамкасбларига ёрдам қилишяпти. Лекин ишни мактабгача тарбия муассасаларига ғамхўрликни кучайтиришдан бошлаш керак. Чунки покиза хоналарда дам олиб, тўйимли овқат билан таъминланган бола кам касалланади. Биз-нингча, болалар шифохоналари барпо этишда корхона ва хўжаликларнинг иштирокини таъминлаш керак. Улар ўз даромадларидан бир қисмини шу хайрли ишга сарфлашлари мақсадга мувофиқдир. Хўжалик ва корхоналар мутасаддилари ишлаб чиқариш муаммолари билангина банд бўлиб қолмай, фарзандларимиз тарбияси ва таъминоти билан жиддий шуғулланишлари даркор.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Т. МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевидениеси болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар бош редакцияси бўлим мудири.

Редакциядан: ушбу материал республика телевидениесининг биринчи программаси орқали бугун, 24 март куни соат 18 дан 15 минут ўтганда кўрсатилади.

Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари республика давлат комитетида

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети республика меҳнаткашларининг кўплаб илтимосларини инобатга олиб, «Русча—ўзбекча ва ўзбекча — русча сўзлашув» китобини яна нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Луғат 200 минг нусхада чиқарилади.

Ушбу комитет раиси М. А. Ғойибовнинг хабар беришча, Ўзбек совет энциклопедиясининг бош редакцияси ҳамда Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозир ана шу китобни нашр этиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Луғат шу йилнинг иккинчи кварталида китоб савдоси дўконларига чиқарилади.

(ЎзТАГ).

Иркий камситишга қарши

Тошкентда бўлиб ўтган митинг иркий камситишни тугатиш учун халқаро кураш кунига бағишланди. Митингда шаҳар жамоатчилиги вакиллари, Ўзбекистон пойтахтида ўқиётган чет эллик студентлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар эркинлик ва мустақиллик ҳар бир халқнинг ажралмас ҳуқуқи эканлигини таъкидладилар. Совет Иттифоқи халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, демократиялашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Митинг қатнашчилари яхши ниятли барча кишиларни иркий камситишга, бир халқнинг иккинчи бир халқ томонидан эзилишига қарши фаол кураш олиб боришга даъват этдилар.

(ЎзТАГ).

• *Ёзувчи эсдаликларидан*

„ЎТОМОЧ“ КЕЛДИ

Иброхим РАҲИМ

ҲАР БИР эл, элатнинг ўз урфи одати, ўз байрами-ю, сайиллари бўлганидек, водий қишлоқларининг, шу жумладан сойкелдилик деҳқонларнинг ҳам азалдан ҳар фаслда ўз байрам ва сайиллари бўлиб ўтарди. Баҳоргиси сумалакдан бошланиб, Наврўз билан якунланарди. Ёз сайиллар ойи бўлса, қишнинг ҳам ўзига хос томошаси бор бўлиб, ҳаммаси деҳқончилик билан боғлиқ омил-одатлар эди.

Баҳорда деҳқонлар табиатдан ёмғир тилардилар. Кузги буғдой, баҳорги кўклам ишлари учун ҳам ёмғир керак. Аммо бу ерларда баҳор кўпинча қуруқ ўтар, кузги буғдойлар чанқаб, экинзорлар қақраб кетарди. Ана шундай пайтларда аҳоли туни билан сумалак пишириб, табиатдан ёмғир тиларди. Сумалакни «ёмғирнинг пири» деб билардилар-да, яхши ният билан ҳар маҳаллада, ҳатто айрим уйларда ҳам сумалак пиширардилар. Баҳор серёғин келса — буни маъмурчилик ишонаси деб билиб, йиғма қилиб, дош қозонларда ҳалим пишириб юртга улашишарди.

Бу ишларнинг ҳаммаси узумлар ишкомга таралиб, анорлар очилиб далага қўш чиққунча қилинарди, далада иш бошланишининг эса, ўз маросими, ўз байрами бўлиб, уни «Наврўзи олам» дер эдилар.

«Наврўзи олам» тўқсон чиқиб, садупок бўлиб, янги фаслнинг янги куни бошланади, янги ҳисоб билан 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси кириб, келарди. Тажрибакор деҳқонларнинг кўп йиллик кузатувларича, шу даврда қишнинг хавфли дамлари тугаб, ариқларда муз кўчиб, сувлар жимирлаб оқар, ерлар ҳам юмшаб, кўкатлар бултурги изларидан ниш уриб чиқар, қушлар ин қўя бошлар, бир сўз билан айтганда, табиат уйғонарди.

Табиат уйғонишини кутиб, омоч-бўйинтуруқларини ростлаб турган деҳқонлар шу кундан эътиборан далага қўш чиқарар эдилар. Далага оммавий қўш чиқариш водий деҳқонларининг, шу жумладан сойкелдиликларнинг, тантанали оммавий байрамига айланарди.

Бизнинг қишлоқ адир, қир бағрида эмасми, Наврўз куни аҳолимиз қадимдан адир, қирларга чиқиб байрам қиларди. Хонадонлар патир ёпиб, сомса пиширар, қозонларда қатлама-ю, чавати ҳозирлар, кўзаларда бўза-ю, хумчаларда қатиқ кўтариб бола-чақалари билан адирдаги майсазорларга жойлашардилар.

Ҳофизлару созандалар ҳам четда турмасдилар. Созни машшоқлар чалар, ашулани ҳофизлар айтар, аммо рақса ҳаваскорлар тушардилар. Шуниси ғалати эдики, бу байрамда аёллар асосий даврадан панарокда чирманда-доира чалишиб ўйин-кулги қилардилар.

Қишлоққа «ўтомоч» келган йили Наврўз байрами ниҳоятда тантанали ўтгани эсимда. Ўзига хос, даврга мос наврўз бўлган эди ўшанда.

Маҳалламиз аҳолиси табиат яйраб турган жилга бўйидаги жойни танлабди. Тепада қир, икки томон ёнбағир, пастликда булоқ ўйнаб, тиниқ суви қўёш нурида жилва қилиб турибди. Болалар қўзичоқлардай югуришиб, чучмома териб юрибдилар.

Ўшанда ер ислоҳотидан янги ер олган собиқ батрак ва камбағаллар ҳам, ерлари қирқилган собиқ мулкдорлар ҳам Наврўзни бирга байрам қилгани чиққан эдилар.

Тўсатдан маҳалла ҳофизлари — ака-ука Абдулҳаким, Маъруфжонларнинг таниш овози эшитилди.

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар жўралар, ўртоқлар...

Йиғиндаги одамлар уларни дарҳол ўртага таклиф қилдилар.

Ака-ука ашулачилар соз чалишни билмасдилар, уларнинг сози — ликопча эди. Ликопчани қўлларига олиб ака-ука навбат билан енгил оҳангда гоҳ Муқимийдан, гоҳ Фурқат, гоҳда Ҳазинийдан хиргойи қилар эдилар. Уларнинг репертуарларида Огаҳий асарлари ҳам учраб турарди, аммо нима учундир ҳамиша ўз «концерт»ларини Муқимий билан бошлаб Муқимий билан тамомлар эдилар.

Уларнинг ашулалари, одамларнинг раҳматномалари руҳлантирди шекилли, биз болалар, қир этагига бориб чучмома, жилга бўйида қўзиқорин тердик. Ҳаво очиқ, зумрад осмон беғубор, адир ҳавоси нақадар дилхушлигидан кайфиятимиз чоғ бўлиб яшил гиёҳларга ағанаб-думалаб обдон ўйнадик. Узоқдан най садоси янгради. Қарасак, тепамизда қўй-қўзилар ўтлаб юришипти. Елғиз қўйчибон бир харсанг тош устида ўтириб най чаляпти.

ҚИШЛОҒИМИЗ сайилгоҳ — соя-салқин, сўлим жой бўлгани учун бу ерда баъзан Наврўз уч кеча-ю уч кундуз, баъзан пайшанбадан пайшанбагача карнай-сурнай билан давом этарди. Сойкелдига бутун Қува бозори — баққоллигу атторлик, чойхонаю майхона, такяхоналар кўчиб чиқарди. Сойкелди зиёратгоҳи Наврўзнинг маркази бўлиб, бу ерларда туя, от, қўй, така сўйилар, доқозонларда шўрва солиниб, ҳар жой-ҳар жойда палов дамланарди.

Осмонга бўй чўзган чинорлар тагига палослар тўшалар, қора уйдай бақалоқ қайрағоч остидаги супаларга гилам ёзилар, атрофдаги очиқ майдонларга ҳам шолча ёки бўйралар солиниб ҳаммани даврага чақирардилар. Тўп-тўп бўлиб ўтирган ҳар бир гуруҳнинг ўз машшоғи, ўз қизиқчисию масхарабози, ўз ҳофизи билан ўйинчилари бўларди. Бундай сайиллар фақат эркакларники бўлиб, унга аёллар қатнашолмасди.

Кенг майдонга дор тикилар, оммавий томошалар дор остида ва унинг атрофида марказлашарди. Бугунгиси ҳаммасидан ҳам антиқа бўлди: «Наврўзга ўтомоч келармиш» деган овоза тарқалганди.

Маҳалламиз болаларига қўшилиб биз ҳам ака-укалар ўша марказга бордик. Гилам тўшалган араваларда, кумуш жабдуқли от қўшилган усти безакли соявон араваларда бири биридан ўзгудай от чоптиришиб, узоқ қишлоқлардан меҳмонлар, жабдуқларини жарангжурунг қилиб якка отли косиблар, қўш отли извошларда ясанган одамлар келиб, араваю извошларидан тап-тап тушар ва ўз гуруҳларига қўшилардилар.

Ниҳоят, одамлар ўз тўдаларига бирлашиб олгач, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда музика янграб, хиргойи бошланди. Қаердадир аския, қаердадир масхарабозлик...

Ҳамма ўз тўдасию, ўз улфатлари билан пишириб-куйдирганларини, ўзлари билан олиб келганларини еб ичиб бўлгач, яна ўйин-кулги бошланди, аммо бу галгиси бошқачароқ, болалар учун, айниқса қизиқарлироқ бўлди.

Кишилар тарафма-тараф бўлиб кўчқор уриштирардилар. Уриштириш учун атайлаб боқилиб, махсус ўргатилган шохдор, баҳайбат ва бақувват кўчқорларни давранинг ўртасига олиб келиб пул тикиб, жангга солар эдилар. Кўчқорлар жангга киргунча ва жанг бошлангандан кейин ҳам томошабинлар бир-бирлари билан «Мен қора кўчқорга палонча танга кўяман» деса, «Мен оқ кўчқорга пистонча танга тикаман» деб ўзаро гаров боғлашардилар.

«Кўчқорлар жангини кўрмабсиз — дунёга келмабсиз» деб ҳикоя қиларди болалар ўз қишлоқларига қайтгач. Ҳақиқатда ҳам кўчқорлар жанги антиқа жанглар эди.

Қува қадимдан дорбозлар макони. Қувадан чиққан машҳур дорбозларнинг невара-чевералари бўлсалар керакки, терак бўйи баландга тортилган арқон устида лангар ушлаб турган болаларнинг энг каттаси тўрт-беш ёшлардаги норасталар эди.

Дорбозларнинг оқсоқоли кимхоб чопон кийган, бошида салла, қўлида тасбеҳи билан осмонга, яъни арқонда турган шогирд болаларга қараб нидо қиларди:

— Эй, аршу аълода турган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган норасталар дорбозлар!

— Лаб-ба-ай!..

— Катта умид, яхши ният билан бу ерга йиғилган жумла-мўминга яхши тилакларингизни ayманг.

— Шу ерда ўтирганларнинг умрлари узоқ, давлатлари зиёда бўлсин!

Дорбозларнинг хазиначиси ўртага тушиб, давра айланиб, дўпписида садақа-саргардон йиғишга бошлади. Ора-чорада ўтирган аёллар паранжилари ичидан қийиқча, рўмолча, ҳатто дўппи чиқариб бердилар. Танга, чақа ташлаганлар ҳам кўп эди. Мен ҳам қараб туролмадим, кайфимдаги бир миримни дорбозларнинг дўпписига ташладим.

БАНОГОҲ Абдумўмин пайдо бўлди-да, ўзини тўхтатолмай энтикиб гапира кетди:

— Келяпти!... Наврўзга тортиқ келяпти!.. «Ўтомоч»ни кўрганмисизлар?!

— Қаёқдан кўрамиз?..

— Бахтимиз кулди, йигитлар, Наврўз куни даламизга қўш ҳўкиз эмас ўн беш от кучига эга бўлган «Ўтомоч» тушади!..

«Ўтомоч»нинг доврўгини эшитган бўлсалар ҳам, жамоа бўйича ҳеч ким уни кўрмаган ва бинобарин, «ўтомоч»нинг қандай қилиб ер ҳайдашини биров тасаввур қилолмасди. Чунки ерларда ҳали «Учма пойиз» (самолёт), «Ўтхона» (поезд)ни кўрмаган, мотор нима эканини кўз олдига келтиролмаган оми одамлар кўп эди. Бироқ ҳамма «Ўтомоч»нинг келишини орзиқиб кутарди. Сойкелдида биров бу «ажойибот»ни ўз кўзи билан кўрмоқни истаса, кимлардир уни ўз манфаатига ишлатишга ошиқарди.

Ниҳоят, «келяпти... келяпти...» деган довруқ тарқалди. Катта-кичик кўчага югурди.

Катта йўл «Ўтомоч»ни кузатувчига лиммолим. Аёллар ўз уйларининг дарвозаларини қиялаб томоша қилар, томларда ҳам аёллар бошига камзил ташлаб, рўмолида юзини тўсиб кўчага боқар, болалар дарахтларнинг тепа шохларига миниб олиб, теварак-атрофни бошига кўтаргудай қичқиришарди.

От-араваларни четлатиб, қўй-қўзи, паррандаларни тум-тарақай қилиб келаётган «Ўтомоч» Еварик кўпригига кўтарилганида, Нодирали жамоанинг бошидаги дўпписи кўринди. У «Ўтомоч»нинг тепасига чиқиб олиб, «Йўл бўшатинглар! Пўшт! Пўшт! «Ўтомоч»га йўл беринглар!» деб такрорларди.

Сойкелди кўчалари ҳеч вақт бунчалар гавжум бўлмаган ва бу қишлоқнинг одамлари умрида шу қадар антиқа тантанани кўрмаганди.

Сойкелди гузарининг катта ва кенг майдони тобора одамга тўлиб борар, узоқ-яқиндан келаётган томошабинлар оқими сира тўхтамасди.

«Ўтомоч»нинг мотори «поп! поп!» қилиб ўтини ўчирди. Ҳамма уни яқиндан кўришни истар, «пўлат отнинг ёлини» силагиси келарди. Қодирали: «Ўтомоч»нинг ўмгачига чиқиб, йиғилганларга қарата мурожаат қилди:

— Халойиқ! — деди у овозининг борича. — Шўролар ҳукумати меҳнаткаш оммага қўлидан келганича ғамхўрлик қиляпти. Камбағалларга ўтган куни ер улашди, кеча от-улов берди. Уларни золим бойлар, муштумзўрлардан тортиб олиб сизларга берган эди. Бугунгиси — Шўролар ҳокимияти ўз олтин ақчасига Америкадан сотиб олинган «Ўтомоч»лар. Бу «Ўтомоч»ни ўз жойида «Фордзон» дейдилар. Россияда унинг номи «трактор».

— Кўрсак майлими?

— Ўзини бир кўрайликчи!..

Майдонда ғала-говур бошланди.

— Кўрасизлар... Ўзини ҳам, ишини ҳам кўрасизлар. Сиз камбағал деҳқонларнинг оғирини енгил қилгани келди бу «Ўтомоч». Ким-да-ким ўз оғир ишини енгил қилишни истаса жамоага кириб хатга тушсин. Эшитмадим деманглар. Тегирмон ҳам навбат билан айланади. «Ўтомоч» ҳам хатга тушган камбағал деҳқонларга берилади.

У атрофига разм ташлади. Ҳамма жим. Ҳамманинг икки кўзи унинг оғзига қараган, қулоғи ҳар бир сўзни илиб оларди. У давом этди:

— Собиқ батраклар бирламчи... янги ер олган камбағаллар иккиламчи... Сўнгра ўртаҳол деҳқонларга навбат тегади. Ер-суви мусодара қилинган бойлар — «Ўтомоч» хизматига умид қилмасинлар. Улар бу илтифотдан маҳрум...

НАВРЎЗ байрамига келган, гўё кўргазмага қўйилгандай гердайиб турган «Ўн беш отнинг юкини тортадиган, ўттиз ҳўкиз қўшини ҳайдайдиган пўлат улов»ни яқиндан томоша қилишга интилардик. «Ўт билан юрадиган, ўзи ер ҳайдайдиган» ғаройибот ҳозирги кўз билан қараганда оддийгина, ҳозирги ҳайдов техникаси олдида худди ўйинчоқдай бўлса-да, ўша кезларда ҳамманинг, айниқса, деҳқонларнинг кўзига мўъжиза бўлиб кўринганди. «Ўтомоч»ни ҳайдаб келган механик ҳайдовчи эса қишлоқиларнинг кўзи олдида гўё бир авлиёдай, ҳар нарса қўлидан келадигандай қудратга молик киши бўлиб туюларди. Жонсиз темирнинг қулоғини бир бураб потирлатадиган, бир бураб «чў» деб ғизиллатиб юғризадиган «Ўтомоччи»нинг исми, фамилияси ҳам антиқа эди. Николай Ефтихианович Зооборода. Шунинг учун ҳеч ким унинг бу узундан узоқ ва айтишга қийин бўлган исми, шарифини тилга ололмасди. Буни Зооборода яхши тушунгани учун «Мени Коля деяверинглар» деб у билан бўладиган муносабатни осонлаштириб берди. Бироқ Коля деб тўла ва тўғри айтишга тиллари келмаган деҳқонлар ўз талаффузларига мослаб Кола... Кола ака... Кола тоға... Ўртоқ Кола, дейдиган бўлдилар.

«Ўртоқ Кола» Волгабўйи рус йигитларига хос оқ-қариқдан келган, малла соч, кўк кўз, юмалоқ бақувват йигит бўлиб, кўпинча майкачан юрарди. Қишлоқ ёшлари унинг паҳлавонлигига ҳавас қиларди.

Ўрабоши қишлоғидаги бир бойнинг катта дарвозали ҳовлисини «Ўтомоч» ва «Ўтомоччи ўртоқ Кола»нинг маҳкамаси қилиб бердилар. Дарвозага: «Қишлоқ хўжалик ширкатининг «Ўтомоч бекати» деган ёзув тахтасини михлаб қўйдилар. Бу ҳовли гўё қадамжодай серқатнов бўлиб, Колянинг ҳужрасидан одам аримай қолди. Кимдир эрталаб патир ёпқириб келади, кимдир косада қаймоқ, қатиқ ташлаб кетади: «Бугун бизникига», «Эртага кечда уйимизда кутамиз!». Коля қўлма-қўл бўлиб юрди.

Ўша вақтларда «Ўтомоч»нинг ҳунари деҳқонга барча илм ва амалдан, барча улуғ нарсалардан улуғ эди. Биринчи бўлиб Ўрабошилик собиқ батракнинг ислоҳотда олган ерини ҳайдай бошлаган куни ерга плуг солганидан то қишлоққа қайтгунича одамлар, айниқса, болалар унинг кетидан юрди. «Ўтомоч» моторининг тариллаши қулоққа гўё музикадай эшитилар, темир омочининг ер ағдариши гўё янги дунё очаётгандай кўринарди. Болалар «Ўтомоч»нинг ана шу томошасига қизиқса, деҳқонлар ундан тегажак манфаатга қизиқардилар.

Жонкуярлик билан

Абдуҳамид Исҳоқов жонкуяр маорифчи. У йигирма олти йилдан буён ана шу касбни ардоқлаб келяпти. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Область партия комитетининг аъзоси, Бўстон қишлоқ Совети депутати сифатида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ўз фаолиятида ижобий ишларни кенг ёйиш, муаммоли масалаларни зудлик билан ҳал қилишда ҳам жонкуярлик кўрсатаётир. У директорлик қилаётган мактабда бошқа кўпдан-кўп тадбирлар қатори ҳарбий ватанпаварлик тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Шу боисдан Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва интернационалчи-жангчилар билан учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилади. Булар ёш авлодни тарбиялашда яхши натижа бермоқда.

СУРАТДА: Абдуҳамид Исҳоқов мактабнинг собиқ ўқувчилари — Афғонистонда ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаб қайтган Мурод Иброҳимов, Мухторжон Назиров, Иқромжон Тожибоев, Сандобид Муҳаммадиевлар билан суҳбат ўтказмоқда. Улар шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, хизмат пайтида ҳалок бўлган жасур жангчи дўстлари Бахтиёр Набиевни хотирлашмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотоси.

• *Хотира*

ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

НЕ-НЕ АЁЛЛАР ЎТДИ...

Оддий кийинган аёл дафтар-китоблар солинган қора портфелини кўтариб Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига пиёда борарди. Юзлаб йигит-қизларни ўзига қаратиб, кимё фанидан дарс ўтарди. Уйга келгач, улкан адиб Ойбекнинг азиз қўлёзмаларини оқца кўчирарди. Арабча ёзувдаги асарларни машинистка қизга бирма-бир айтиб ёздирарди. Машинкадан чиққан минглаб саҳифа асарларни, даста-даста корректураларни ўқиб, хатосини текширгач, нашриётга олиб борарди.

Энди у аёл йўқ. Асрларга татигулик, авлодларга ибрат бўлгулик катта-катта ишларни амалга ошириб қўйиб, энди жимгина «ухлаб» ётибди. Ҳа, жимгина. Бу камтарин, заҳматкаш аёл биринчи ўзбек кимёгар олимаси, биринчи ўзбек рассом қиз, педагог, билимдон ношир Зарифа Саидносирова эди. Хўш, нима учун бирон мактаб, кўча ё ўқув юртига шундай аёл номи берилмаяпти?!

Ёзувчи Ойбек билан қирқ йил бирга яшаб, фарзандлар тарбиялаб, яна у билан баббаробар ижод қилди. У САГУда 1926 йили ўзбек қизларидан биринчи бўлиб, химия факультетининг кечки бўлимида ўқиб, кундузи Зебунисо номли қизлар педбилим юртида физика, химия, математикадан дарс берди. 1930 йилги янги ташкил топган Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ишга таклиф қилинди. Шу йили на мактаб, на институт учун ўзбек тилида химия дарслиги йўқ эди. Зарифахоним биринчи бўлиб, химиядан русча-ўзбекча терминологик луғат китоби яратди, 1933 йили техникум ва рабфаклар учун ўзбек тилида химия китоби ёзди. Кейин олий ўқув юртлари студентлари учун «Анорганик химия»ни яратди. Химия фанлари кандидати, профессор Зарифахоним ўнлаб олимлар етиштирди. Эллик йилдан ортиқ вақт шу институтда ишлади. Туғилари эса Ойбек қораламаларини оқца кўчирди.

Шаҳсга сиғиниш йилларининг туҳмат тошлари Ойбекни ҳам айни ижоди барқ урган пайтида тилдан қолдирди. Аммо юрагидан илҳомини юлиб ололмади. Ойбек ижод қилди. Чунки унинг ёнида фикрини кўзларидан, лабларининг ҳаракатидан уқиб олиб, қоғозга туширадиган сезгир, меҳрибон рафиқаси бор эди...

Зарифахоним Ойбек қўлёзмаларининг ҳаммасини тўплаб авайлаб, адиб ўзига ёқмай чизиб, ғижимлаб ташлаган ёзувларни ҳам оқца кўчириб, 150 та махсус папкада сақлади. Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан яқин йиллларда нашр этилган 20 томлик мукаммал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда Зарифа Саидносирова жуда катта меҳнат қилди. Кейин бу асл қўлёзмаларни Ойбек уй-музейига топширди. Ҳа, Зарифахоним Ойбек билан бир умр яшаб, болаларини тарбиялаган қадрдон уйиниқ, бир умр никоблари тўплаган ноёб китобларни, барча уй жиҳозларини Ойбек уй-музейига ҳадя қилди. Энди бу уй-музей халқ хизматида.

Зарифахоним тонгда уйғониб ёки Ойбек билан табиат қўйнига сайрга чиққанида, манзараларни қоғозга кўчирарди. Унинг уйида бир талай чизма асарларни кўриб, ҳавасим келган эди...

Тошкентда яна бир фидойи аёл — Баҳри Ғуломова яшаб ўтди. У академик шоир Ғафур Ғуломиннг синглиси эди. Йўқ, йўқ, мен уни шоирнинг синглиси бўлгани учун улуғламоқчи эмасман. У аёлнинг ўзи шоир эди. Қилган ишлари шеърларидек гўзал эди. У Республика китоб савдоси бирлашмасида 25 йилдан ортиқ вақт раҳбар бўлиб ишлади. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб китоб магазинлари қурдирди. Юзлаб китоб савдоси ходимларига мураббиялик қилди. Китобларнинг ҳамма жойга худди қуёш нуридек етиб боришига ҳисса қўшди. У жуда билимдон, ақлли, ташкилотчи аёл эди. Унинг номи ҳам унутилмасдир.

Яқинда Андижондаги Бўз педагогика билим юртига Санда Зуннунова номи берилди. Деярлик икки минг қиз ўқиётган бу билим юрти ҳовлисида шоира бюсти ўрнатилди. Қандай яхши! Лекин шоранинг, яхши инсонинг номи яна жуда кўп азиз жойларга жуда-жуда муносиб.

Бутун умрини халқ бахт-саодатига бағишлаган, жон кечиб жафо тортган Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Ойдин Собирова, Хосият Тиллахонова каби ўнлаб аёллар номи нега абадийлаштирилмаяпти!

Ажойиб раққоса Мукаррамахоним ҳам битта эди, бирақай эди. Унинг номи «Баҳор» ансамблида барҳаёт. Лекин бу оз. Фарғонада, Андижон-у Жиззахда... ҳам бу азиз аёлнинг номи кўчалар, боғлар, театрлар, мактабларда жаранглаб туришини истардик.

Айтайлик, Тошкентда Қорасув массиви бор. Қорасув 1, 2 ёки Ц-1, Ц-2, квартал 1, 2 ва ҳоказо дейишади. Шу ва шунга ўхшаган бошқа массивларга, кварталларга ана шу фидойи инсонлар номи берилса, қанчалар чиройли иш бўларди. Йўловчилар учун адресларни топиб бориш ҳам бир қадар осонлашарди.

Энг муҳими, Ўзбекистонинг ажойиб хотин-қиз зиёлиларн хотираси абадийлашиб, республика тарихи, нафосат соҳонаси янада бойиқди.

Ҳа, не-не дилбар аёллар яшаб ўтдилар! Уларнинг номи абадий қолишга арзигулик!

Санъат МАҲМУДОВА.

Редактор Ў. УСМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* • *Реклама ва эълонлар* • *Реклама ва эълонлар* • *Реклама ва эълонлар* •

«Ўзбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
30, 31 МАРТ, 1, 2 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 да

«ҲАЗИЛ» ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Тўхтамурод АЗИЗОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ, Мирза ҲОЛМЕДОВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Рушана СУЛТОНОВА, Зиёда МАДРАҲИМОВА, Элмурод ИСЛОМОВ, Одил КАМОЛХЎЖАЕВ;
Биринчи Бутуниттифоқ «ЯНГИ ОВОЗЛАР» радиоконкурсининг лауреати Юлдуз УСМОНОВА
Лирик хонанда, VII Жаҳон ёшлар фестивали дипломанти, Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати Комилжон ИЎЛДОШЕВ
ПОСТАНОВКАЧИ-РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.
Билетлар соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

ЎРТА ОСИЁ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ секторлар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Катта илмий ходимлар: «ўрмончилик» ёки «ботаника» ихтисосликлари бўйича селекция ва уруғчилик, «токсикология» ихтисослиги бўйича ўсимликларни ҳимоя қилиш, экология ва «ўрмончилик» ёки «ботаника» ихтисосликлари бўйича қўриқхоналар (фан кандидатлари),
кичик илмий ходимлар: экология ва «зоология» ихтисослиги бўйича қўриқхоналар, «агролесомелиорация» ихтисослиги бўйича далалар ҳимоя ўрмончилигини ташкил этиш, «ўрмоншунослик» ихтисослиги бўйича ўрмоншунослик.
Конкурс муддати — 11 апрелгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702017, Тошкент области, Тошкент райони, «Дарҳон» алоқа бўлими.

ЎРТА ОСИЁ БУРҒУЛАШ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА ремонт қурилиш ишлари (биноларни капитал ремонт қилиш, спорт-соғломлаштириш комплекси, ёнилғи-мойлаш материаллари омбори қурилиши) учун
ПУДРАТЧИ КЕРАК
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент области, Калинин райони, Свердлов посёлкаси («Самарқанд» автостанциясидан 181, 187-автобуслар билан «Занғиота» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станциясидан 448-автобус билан «Пахта пункти» бекатигача борилади).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 26 март соат 19.30 да Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА
КОНЦЕРТИ
ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ олиб боради.
Билетлар соат 14.00 дан бошлаб СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

«Ўзстройконструкция» территориал бирлашмасининг 2-ТЕМИР-БЕТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЗАВОДИ 1989 йилда буюртмачи материалидан қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаш учун
ШАРТНОМАЛАРНИ ТУЗАДИ.
— 1.423, 1.427, ИИС-22, 3.015 туркумидаги устунлар;
— ИИС-23 маркали ригеллар;
— 12,18 м ҳажмли қоплама темирлар;
— ўтиш каналлари элементлари;
— 24 м ҳажмли фермалар;
— турли плиталар;
— қувурлар;
— ҳалқалар.
Завод адреси: 700146, Тошкент шаҳри, Қурилиш кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 90-31-69, 90-39-33, 90-39-53.

Театр
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/III да Чиполлино (премьера, 19.00), кичик экспериментал саҳнада Телефон, Одом овози (16.00), 25/III да Чиполлино (12.00), Зебунниса (19.00).
ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/III да Тандир эшиги, 25/III да Истамбул фожиаси.
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/III да Тошкентда туман.

Цирк
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 24/III дан бошлаб «Ҳайвонлар цирки» (11, 14, 17.00 да).

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ва касаба союз ташкилотлари ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг коллективи ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари кандидати З. Одиловага онаси Рисқибиби МИРУСМОН қизининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-42-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 05569. Б. — 70. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12